ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

*Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган*

**2006 йил 21 октябр, шанба № 170-171 (2220)**

# ISHONCH

# ЭЛ-ЮРТ ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАШ, ОДАМЛАРНИНГ ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИГА ҚАНОТ БЕРИШ – ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ БУРЧИ

## Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!

Ҳурматли депутатлар!

Аввало, бугун сиз азизлар билан дийдор кўришиб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, барчангизга, сизлар орқали бутун Фарғона аҳлига ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Сизлар билан мана шу таркибда, яъни Фарғона вилояти депутатлари ва фаоллари билан учрашганимизга ҳам, мана, икки йилдан кўпроқ вақт бўляпти.

Шунинг учун ҳам бугунги сессия кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама қилишдан олдин ўтган давр мобайнида Фарғона вилоятида амалга оширилган ўзгаришлар, эришилган ютуқ ва натижалар билан бирга, бу ерда мавжуд бўлган, ҳалибери ечилмасдан келаётган муаммолар ҳақида, одамларнинг кайфияти, муносабати, улар нимадан рози, нимадан норози экани тўғрисида, бир сўз билан айтганда, ҳаётнинг ўзи олдимизга кескин қилиб қўяётган долзарб вазифалар ҳақида гаплашиб, фикр алмашиб олсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бу ҳақда сўз юритганда, биринчи галда шундай ўта муҳим саволларни ўртага қўйиш ва уларга жавоб излаш зарур, деб ўйлайман: бугунги кунда бизнинг эзгу мақсадларни кўзлаб қилаётган саъй-ҳаракат ва амалий ишларимиз оддий одамларнинг ҳаётига қандай таъсир кўрсатмоқда?

Фарғонанинг бой ва ҳар томонлама ҳавас қиладиган салоҳият ва кенг имкониятларини, вилоят меҳнаткашларини ана шу мақсадларга эришиш учун бирлаштириш, сафарбар этиш ишлари қай даражада йўлга қўйилган?

Умуман айтганда, вилоятда ишни ташкил этиш, бугунги замон талаб қиладиган янгиликларни ҳаётга жорий этиш, ишлаб чиқариш тармоқларини янгилаш, модернизация қилиш, одамларнинг турмуш даражасини янги босқичга кўтариш, энг муҳими, бу борадаги бошқариш ва ташкилотчилик ишларининг савияси ва самараси ҳақида атрофлича гаплашиб олишимиз керак.

Фарғонанинг кўҳна ва бой тарихи, улкан салоҳияти ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Бу вилоят ўзининг буюк алломалари, ноёб истеъдод эгалари, асрлар давомида асраб-авайлаб келаётган урф-одат ва анъаналари, табиий, иқтисодий ва маънавий салоҳияти ҳамда бошқа кўп-кўп хусусиятлари билан мамлакатимиз ҳаётида ўзига хос алоҳида ўрин тутади.

Бу қутлуғ заминдаги қадимий цивилизация ва маданият дурдоналарини ўзида мужассам этган кўҳна шаҳарлар Ватанимиз тарихининг ёрқин саҳифаларини ташкил этади.

Биргина Қўқонни оладиган бўлсак, бу латиф шаҳар халқимиз, миллий давлатчилигимиз тараққиёти билан боғлиқ қанча-қанча унутилмас воқеаларга гувоҳ бўлганини, кўплаб атоқли илм-фан, маданият ва санъат намояндалари айнан шу ерда туғилиб, камол топганини барчамиз яхши биламиз.

Ёки 2000 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турган сўлим Марғилон шаҳрининг Бурҳониддин Марғиноний каби улуғ фарзандлари, асрий обидалари билан нафақат юртимиз, балки мусулмон оламида қозонган шуҳрати, обрў- эътиборини ҳар қанча таърифласак арзийди.

Қадимий Кубо – бугунги Қува заминидан етишиб чиққан, ўзининг илмий кашфиёт ва ихтиролари билан дунёга машҳур бўлган буюк бобомиз Аҳмад Фарғонийнинг номи бугунги кунда бутун ўзбек халқининг ғурур ва ифтихорига айланиб кетган.

Ўзбекистон деб аталган гўзал юртимизга Оллоҳ таоло қандай неъматларни ато этган бўлса, буларнинг барчасини саховатли Фарғона заминида, бу ҳудудда мавжуд бўлган ер ости ва ер усти бойликлари, катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган корхоналар, ривожланган коммуникация тармоқлари, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмалар, бой меҳнат ресурслари мисолида яққол кўриш мумкин.

Йирик саноат минтақаси бўлган Фарғона вилоятининг бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши қарийб 8 фоизни, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 9 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича эса 9 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Бу ерда жойлашган «Азот», Нефтни қайта ишлаш заводи, «Кварц», «Кувасойцемент», Қувасой чинни заводи, «Автоойна», Фарғона механика заводи каби йирик ишлаб чиқариш мажмуалари нафақат вилоят, балки республикамиз иқтисодиётига ҳам катта ва сезиларли таъсир кўрсатади.

**(Давоми 2-3-бетларда).**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## А.Абдуллаевни Фарғона вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Абдухошим Абдуллаевич Абдуллаев Фарғона вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 19 октябр

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Ш.Нурматовни Фарғона вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Шермат Нурматов Фарғона вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 19 октябр

# ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

19 октябр куни Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Фарғона ўзининг кўҳна ва бой тарихи, буюк алломалари, ноёб истеъдод эгалари, урф-одат ва анъаналари, табиий, иқтисодий ва маънавий салоҳияти билан мамлакатимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. Вилоятнинг 2000 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турган Марғилон каби кўҳна шаҳарлари қадимий цивилизация ва маданият дурдоналарини ўзида мужассам этган.

Вилоятнинг бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши қарийб 8 фоизни, жумладан, саноат ишлаб чиқариш бўйича 9 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича эса 9 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. «Азот», Нефтни қайта ишлаш заводи, «Кварц», «Қувасойцемент», Қувасой чинни заводи, «Автоойна», Фарғона механика заводи каби йирик ишлаб чиқариш мажмуалари нафақат вилоят, балки республикамиз иқтисодиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

Президентимиз вилоятнинг муайян илмий салоҳиятга эга илм-маърифат маскани эканига ҳам эътиборни қаратди. Бу ерда Фарғона давлат университети, Фарғона Политехника институти, Қўқон давлат педагогика институти, Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг филиаллари, 93 замонавий касб-ҳунар коллежи, 8 академик лицей фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, вилоятда охирги йилларда кўп соҳаларда қолоқликка йўл қўйилмоқда, деди Юртбошимиз. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, камчилик ва нуқсонлар раҳбарларнинг лоқайд ва бепарволиги натижасида рўй бераётир.

Саноат соҳасида ўтган йили вилоятдаги 11 корхонада, шу йилнинг саккиз ойи давомида эса 10 корхонада ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетди. 10 корхона ўз фаолиятини зарар билан якунлади. 13 енгил саноат корхонаси тўлиқ қувват билан ишламаяпти.

Вилоятда жорий йил бўйича хусусийлаштириш дастурига киритилган 65 корхона ва объектдан бор-йўғи 35 таси сотилган, чет эл инвесторларига биронта акция пакети ёки объект сотилмаган.

Қишлоққа саноатни олиб кириш, жойларда замонавий ишлаб чиқариш тузилмаларини ташкил этиш борасида аксарият туманларда амалий ишлар қилинмаяпти. Бувайда ва Данғара, Ёзёвон ва Олтиариқ туманларида пахта тозалаш ва ёғ-мой ишлаб чиқарадиган корхоналарни ҳисобга олмаганда, маҳаллий хомашё асосида ишлайдиган биронта саноат корхонаси барпо этилмаган.

Иқтисодий тараққиётнинг муҳим шарти бўлган чет эл инвестициясини жалб этиш масаласи ҳам Фарғона вилоятида бугунги кунда ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Биргина мисол. 2006 йилда вилоятда қарийб 10 миллион АҚШ доллари миқдоридаги чет эл инвестициясини жалб этган ҳолда бешта лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Аммо шу кунга қадар унинг иккитаси бажарилган, холос. Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритиш бўйича жорий йилга мўлжалланган ҳудудий дастур эса бор-йўғи бир фоиз ижро этилган.

Вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам оқсоқликдан қутула олмаётир. Жорий йилда Боғдод ва Риштон, Тошлоқ ва Ўзбекистон туманлари ғаллачиликда шартнома режасини бажармади. Ўнлаб фермер ва ширкат хўжаликлари томонидан 15 минг 800 тонна дон кам топширилди.

Кейинги беш-олти йилда вилоятда пахта ҳосилдорлиги сурункасига пасайиб, қарийб 6 центнерга камайиб кетди. Бу йил эса пахта бўйича шартнома мажбуриятини бажариш масаласи гумон бўлиб турибди.

Давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда бу соҳада юзага келган ҳолатни атрофлича таҳлил қилар экан, вилоятда фермер хўжаликларини ташкил этишда кўпинча юзаки иш тутиш ҳолатлари кўзга ташланаётганини жиддий танқид қилди.

Фарғона вилоятидаги мавжуд ижтимоий аҳвол ҳақида гапирадиган бўлсак, биринчи галда аҳолини иш билан таъминлаш муаммосига тўхталиб ўтиш зарур, деди Президентимиз. Вилоятда ўтган йили янги иш ўринлари яратиш бўйича йиллик режа 64 фоизга, аёллар учун иш жойи ташкил этиш эса 54 фоизга бажарилгани бу соҳадаги ишларнинг қониқарсиз эканидан далолатдир.

Аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган коммунал соҳада ҳам ижобий силжиш сезилмаяпти. Бу соҳада хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўйиш бўйича амалий чоралар кўрилмаяпти.

Президентимиз таъкидлаганидек, турли даражадаги аксарият раҳбарлар одамларнинг ҳаётий интилишларига, дарду ташвишларига эътиборсизлик билан қараб келмоқда.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Шермат Нурматов Фарғона вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кўра, Марғилон шаҳар ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Абдухошим Абдуллаев Фарғона вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Охунбобоев тумани ҳокими Н.Омонов, Қува туманидаги «Мунис-Мукаррам» фермер хўжалиги раҳбари М.Турсунова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Жўрабоев, Фарғона давлат университети ректори М.Аҳмедов, Бешариқ туманидаги ижтимоий-иқтисодиёт коллежи директори Б.Абдуллаева ва бошқалар Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, уюшқоқлик ва ташаббускорлик билан адо этиш вилоят аҳлининг бугунги кундаги асосий вазифаси эканини таъкидладилар.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**Маъсуд СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

# Эл-юрт ташвиши билан яшаш, қанот бериш – ҳар бир

## Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Фарғона

(Боши 1-бетда).

Бу корхоналарнинг ҳар бири ўзига хос тарих ва тараққиёт йўлига, тажриба мактабига эга. Уларда минг-минглаб ўз касбига меҳр қўйган, ўз ишининг чинакам устаси бўлган, азму шижоатли инсонлар меҳнат қилмоқда ва шу юртнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Азалдан илм-маърифат маскани бўлиб келган Фарғона вилоятининг илмий салоҳияти ҳам эътиборга сазовор.

Бу диёрда ўзига хос илмий мактаб ва анъаналари билан танилган Фарғона давлат университети, Фарғона Политехника институти, Қўқон давлат педагогика институти, Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг филиаллари, 93 та замонавий касб-ҳунар коллежи, 8 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йили минг-минглаб ёшлар ана шу билим даргоҳларида таълим ва тарбия олиб, мустақил ҳаётга қадам қўймоқда.

Мазкур ўқув масканларида бой илмий ва ҳаётий тажриба орттирган, шу юрт ривожига ҳисса қўшиб келаётган кўплаб олимлар, домла ва профессорлар борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ҳам вилоятда ҳеч нарса билан қиёслаб- ўлчаб бўлмайдиган яна бир катта салоҳият мавжуд эканидан далолат беради.

Фарғона замини қадимдан ўзининг деҳқончилик анъаналари билан бутун юртимизда маълум ва машҳурдир. Меҳнатсевар ва тадбиркор вилоят деҳқонлари ҳар қарич ердан омилкорлик билан фойдаланиб, йиллар давомида нафақат пахтачилик ва ғаллачилик соҳаларида, балки сабзавот ва мевачиликда ҳам Ўзбекистон ҳудудидан узоқ-узоқ жойларда донг таратганини айтиш лозим.

Мисол учун, Қува анори, Олтиариқнинг ҳусайни узуми ва бодринги, турпи, Риштоннинг қантак ўриги ва шу каби ҳар қандай одам бир татиб кўрса, мазаси умрбод эсда қоладиган ширин-шакар меваларни етиштиришда фарғоналикларга тенг келадиган уста миришкорларнинг ўзи топилмайди. Уларнинг бу борада бошқаларга доимо ўрнак ва намуна бўлиб келаётганини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Фарғона вилояти ўзининг улкан салоҳияти ва беқиёс имкониятлари, авваламбор, одамларининг ўз касб-корига содиқлиги ва маҳорати билан чиндан ҳам Ўзбекистоннинг таянч тоғларидан биридир.

Бу заминда ўз юртини ҳар томонлама обод қилиш, унинг шуҳратини бутун дунёга тараннум этишга қодир бўлган, ўзига, ўзининг куч-қудратига ишонган, иймон- эътиқодли, омилкор инсонлар яшайди.

Қадрли дўстлар, шу борада ўзимизга табиий бир савол берайлик: Оллоҳнинг ўзи бизга ато этган мана шундай сўлим ва бетакрор табиат ва иқлим, унумдор ва саховатли тупроқдан, ишнинг негизини биладиган, бағрикенг халқнинг бунёдкорлик кучидан, катта интеллектуал имкониятдан, кўп йиллар давомида шаклланган ишлаб чиқариш қувватларидан бугун биз қай даражада фойдаланаяпмиз ва бу бойликни эл-юрт фаровонлигини ошириш учун қандай ишлатяпмиз?

Бундай савол бугун шу юртда яшайдиган, унинг тақдирини юрагидан, қалбидан ўтказиб, келажаги учун куюнадиган, бу йўлда ўз ҳиссасини қўшишга тайёр бўлган ҳар қайси инсонни ўйлантириши табиий, албатта.

Минг афсуски, вилоятда охирги йилларда кўп соҳаларда мавжуд бўлган қолоқлик ва салбий ҳолатларни ҳисобга оладиган бўлсак, очиқ айтиш керак, бу саволга ижобий жавоб топиш қийин.

Бундай ҳолатнинг сабаб ва илдизлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин мен биринчи навбатда эътиборингизни шу вазиятга бевосита дахлдор бўлган муҳим бир масалага жалб қилмоқчиман.

Таассуфлар бўлсинки, иқтисодиётимизнинг қайси соҳасини олманг - бу саноат ёки қурилиш бўладими, қишлоқ хўжалиги ёки ижтимоий масалалар бўладими - кўпгина соҳаларда ва энг муҳими, ҳаётимизни тебратадиган ва тараққиётни таъминлайдиган, бугун замоннинг ўзи талаб қиладиган юқори технология, ишни ташкил қилиш услублари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида вилоят йилдан-йилга сурункасига орқада қолиб келаётганига раҳбарлар, авваламбор, шу соҳа ва тармоқларга масъул бўлган мутасаддилар танқидий баҳо бермасдан, куюнмасдан чидаб келмоқда.

Ваҳоланки, агар раҳбар мавжуд аҳволдан, ўз ишининг натижасидан мамнун бўлиб, бизларга бўлаверади, деб ёнбошлаб ётаверса, бундай ҳолатдан энг аввало ким зарар кўради - шу ерда яшаётган одамлар.

Шу боисдан масъул вазифага сайланган шахслар бошқаларга нисбатан ҳаётни чуқурроқ англаши, узоқни кўриши, фақат бир кунлик иш билан эмас, балки эртанги куннинг режа ва ташвишлари, муаммолари билан яшаши ва уларнинг ечими устида тинимсиз меҳнат қилиши шарт.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида юзага келган вазиятни шу нуқтаи назардан баҳолар эканмиз, юқорида зикр этилган камчилик ва нуқсонлар, раҳбарларнинг лоқайд ва бепарволиги натижасида рўй бераётган кўпгина нохуш ҳолатларни кузатиш мумкин.

Саноат соҳасини оладиган бўлсак, ўтган йили вилоятдаги 11 та корхона, шу йилнинг саккиз ойи давомида эса 10 та корхонада ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетгани, 10 та корхона эса ўз фаолиятини зарар билан якунлагани тармоқда бугунги кун талаблари асосида ишни ташкил этиш борасида жиддий хато ва нуқсонларга йўл қўйилаётганини яққол кўрсатиб турибди.

Бундай корхоналар қаторида Марғилон шаҳридаги «Алишер Навоий» ва «Ип- газлама ишлаб чиқариш» фабрикаси, Қўқон шаҳридаги «Қўқонмотор-таъмирлаш» заводи ҳамда «Фарғонапиво», «Осиётекс» ҳиссадорлик жамиятлари каби йирик ишлаб чиқариш мажмуалари борлигини, 13 та енгил саноат корхонаси тўлиқ қувват билан ишламаётганини афсус билан айтишга тўғри келади.

Лекин мана шундай мураккаб бир вазиятда вилоят шаҳарларининг раҳбарлари томонидан бу аҳволни ўзгартириш учун ҳеч қандай ҳаракат ва ташаббус кўзга ташланмаяпти.

Юқорида зикр этилган бундай салбий ҳолатлар ҳақида қурилиш, транспорт, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардан ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Мана шундай ачинарли аҳвол хусусида гапирар эканмиз, бугунги кунда фойда ва самара бермайдиган, зарар билан ишлайдиган ташкилот ва корхоналарни хусусий мулкка айлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар ўз вақтида ҳаётга жорий этилмасдан қолиб кетаётганини кузатиш қийин эмас.

Вилоятда жорий йил бўйича хусусийлаштириш дастурига киритилган 65 та корхона ва объектдан бор-йўғи 35 таси сотилгани, айниқса, чет эл инвесторларига биронта акция пакети ёки объект сотилмагани шунинг исботи эмасми?

Барака топкурлар, айтинглар, нима учун ҳозирги пайтда қўпол бўлса ҳам, худдики ўлик бўлиб ётган корхоналарни «тирилтириш» чоралари кўрилмаяпти?

Ахир, уларни сармоя ва имконияти бор, кучли жисмоний субъектларга сотиш, керак бўлса, бепул бериш ҳақида ҳам тегишли қарорлар қабул қилинганини бу ердаги мутасаддилар биладими, йўқми? Нима учун вилоятда ана шу ҳукумат қарорларининг талаблари бажарилмаяпти?

Бунинг сабаби фақат битта бўлиши мумкин - бу масалага дахлдор, мутасадди бўлган мансабдорларни бугун аллақачон тўхтаб, ёнбошлаб ётган корхоналарни жонлантириш чоралари ҳам, шунинг ортида турган муҳим муаммо - одамларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам қизиқтирмайди. Улар кўпроқ ўзининг шахсий манфаатлари билан овора.

Бундай амалда ўтирганлар, бугун оёғимизга кишан бўлаётганлар аввало ўзига наф топиш билан банд бўлиб, тадбиркор ва ишбилармонлар, тер тўкиб ишлайман, даромад топаман, ўзимга ҳам, юртимга ҳам фойда етказаман, деб интилаётганлар йўлида тўсиқ-ғов бўлиб қолмоқда.

Ҳамма бало аслида мана шунда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Минг афсуски, бундай амалдорларнинг сони кам эмас.

Қишлоққа саноатни олиб кириш, жойларда замонавий ишлаб чиқариш тузилмаларини ташкил этиш масаласи қайта-қайта кун тартибига қўйилаётганига қарамасдан, бу борада аксарият туманларда амалий ишлар қилинмаяпти.

Бувайда ва Данғара, Ёзёвон ва Олтиариқ туманларида пахта тозалаш ва ёғ-мой ишлаб чиқарадиган корхоналарни ҳисобга олмаганда, маҳаллий хомашё асосида ишлайдиган биронта саноат корхонаси барпо этилмагани ҳам буни исботлайди.

Агарки, иқтисодиёт ривожига четдан амалий кўмак, сармоя ва юксак технологиялар кириб келмаса, ҳеч қаерда иш олдинга силжимайди. Иқтисодий тараққиётнинг муҳим шарти бўлган чет эл инвестицияларини жалб этиш масаласида ҳам Фарғона вилоятида бугунги кунда ўзибўларчилик ҳолатлари ҳукм сураётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Мисол учун, биргина 2006 йилда вилоятда қарийб 10 миллион АҚШ доллари миқдоридаги чет эл инвестициясини жалб этган ҳолда бешта лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган эди. Амалда эса шу кунга қадар уларнинг атиги иккитаси бажарилган ва бир миллион доллардан зиёд хорижий инвестиция жалб қилинган, холос.

Ёки тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритиш бўйича жорий йилга мўлжалланган ҳудудий дастурнинг ижроси бор-йўғи бир фоизга бажарилганини қандай изоҳлаш мумкин?

Фарғона шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шунинг ҳисобидан янги иш ўринларини яратиш нафақат ижтимоий, балки сиёсий аҳамиятга молик масала экани ҳақида гапириб ўтириш ортиқча, деб ўйлайман. Лекин, афсуски, бу борада ҳам мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаяпти. Ҳолбуки, Фарғона вилоятида кичик бизнес соҳасини ривожлантириш учун имкониятлар етарли.

Биргина қурилиш материаллари ишлаб чиқариш масаласини оладиган бўлсак, соҳа ривожи учун қандай табиий ресурслар керак бўлмасин - мармар, гранит дейсизми, гипс, шағал ёки оҳактош дейсизми, Фарғона заминида буларнинг ҳаммаси топилади.

Ё бўлмаса, вилоятда етиштирилаётган боғдорчилик ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, ушбу тармоқни замонавий асосда кенг ривожлантириш учун нима тўсқинлик қиляпти?

Бугун барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз лозим: кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, янги-янги қўшма корхоналар барпо этиш учун отанг яхши, онанг яхши деб, чет эллик ишбилармонларни кўндириш, замонавий технологияларни олиб келиш, бунинг учун қандай имконият ва имтиёзлар зарур бўлса, ҳаммасини яратиб бериш керак.

Четдан сармоя ва илғор технологияларни олиб келиш нафақат ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, унинг ўсиш суръатларини ошириш имконини беради, айни вақтда мана шундай корхоналарда ишлайдиган юксак малакали мутахассислар тайёрлашни тубдан яхшилаш, уларнинг билим ва тажрибасини амалий ҳаёт билан боғлашга ҳам хизмат қилади. Бугун шу соҳада қилинган амалий иш, сарфланган маблағ, ҳеч шубҳасиз, эртага икки-уч баробар фойда бўлиб қайтади.

Азиз дўстлар!

Кейинги йилларда Ўзбекистон пахтачилиги тарихида том маънода янги, ёрқин саҳифа яратилмоқда. Пахтакорларимизнинг бу йил ҳам октябр ойининг биринчи ярмидаёқ белгиланган юксак марранни эгаллаб, катта меҳнат ғалабасига эришгани - қишлоқ хўжалигида амалга ошираётган ислоҳотларимизнинг самараси, одамларимизда ерга, мулкка эгалик ҳиссиётининг ортиб бораётгани натижаси, десак, янглишмаган бўламиз.

Айтинглар, бундан ўн-ўн беш йил аввал бундай ютуқларни ўзимизга тасаввур қила олармидик?

Демакки, астойдил интилсак, ҳаракат қилсак бўлар экан-ку! Мана, куни кеча пойтахтимиз Тошкентда II Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасини ўтказдик. Унда 36 мамлакатдан 250 дан зиёд компания ва фирма вакиллари иштирок этди, уларга деҳқонларимиз яратган 1200 дан ортиқ тола турлари намойиш қилинди. Ярмарка қатнашчилари ўзбек пахтасининг сифатига юксак баҳо берди. Бу барчамизда ғурур уйғотиши табиий, албатта. Аммо мамлакатимиз миқёсида ана шундай салмоқли натижаларга эришилаётган бир пайтда, катта деҳқончилик тажрибаси, ҳам билим-интеллектуал, ҳам иқтисодий салоҳиятга, замонавий кадрларга эга бўлган Фарғона вилояти қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам оқсоқликдан қутула олмаётгани албатта ташвиш уйғотади.

Жорий йилда Бағдод ва Риштон, Тошлоқ ва Ўзбекистон каби туманлар ғаллачиликда шартнома режасини бажармагани, ўнлаб фермер ва ширкат хўжаликлари томонидан 15 минг 800 тонна дон кам топширилгани, 14 та фермер хўжалиги эса мутлақо ғалла топширмаганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Кейинги беш-олти йилда вилоятда пахта ҳосилдорлиги сурункасига пасайиб, қарийб 6 центнерга камайиб кетди. Бу йил эса пахта бўйича шартнома мажбуриятини бажариш масаласи гумон бўлиб қолаётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Ахир, бир вақтлар деҳқончилик илмининг асл мактаби Фарғонада эмасмиди? Яқин-яқингача қишлоқ хўжалигида юқори ҳосил олишнинг сир-асрорини бошқалар келиб сизлардан ўрганиб кетар эди. Бугун нима учун ана шу мавқе ва имкониятлар бой берилмоқда? Аччиқ бўлса-да, ўзимизга шу саволларни бериб кўрайлик.

Сўз йўқ. Бундай саволларга жавоб топишда қишлоқ хўжалиги соҳасига дахлдор бўлган мутасаддилар турли-туман сабабларни келтириши мумкин. Балки бундай қарашларга ишониб, уларнинг фикрига қўшилишимиз, тан беришимиз ҳам тўғри бўлиши мумкин.

Аммо охирги йилларда бу соҳада юзага келган ҳолатнинг негизида ётган муҳим бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Яъни, вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларнинг туб моҳиятини ҳар томонлама чуқур англаш, уларни амалга оширишда изчиллик ва қатъиятлик етишмаётганини, бошқарув ва хўжалик юритиш борасида йиллар давомида суяк-суягимизга сингиб қолган эскича қараш ва ёндашувлардан ҳали-бери воз кечилмаётганини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Бу соҳанинг истиқболини белгилаб берадиган фермерлик ҳаракатини олайлик. Албатта, вилоятда бу масалада муайян ишлар қилинаётганини эътироф этиш лозим. Лекин, шу билан бирга, фермер хўжаликларини ташкил этишда кўпинча юзаки ва чала-ярим иш тутиш ҳолатлари ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

Бунинг натижасида вилоятда шундай хўжаликлар вужудга келмоқдаки, уларнинг ярмида ширкат хўжаликлари, ярмида эса фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда.

Масалан, Бувайда туманидаги «Оққўрғон» ширкат хўжалиги ҳудудида 45 та фермер хўжалиги ташкил этилган. Фойдаланилаётган 3 минг 368 гектар ернинг 1 минг 865 гектари ёки 55 фоизи ана шу фермерларга ажратиб берилган. Қолган 1 минг 500 гектардан зиёд ер майдонида эса ширкат хўжалиги сақлаб қолинган.

Бундай хўжакўрсин қабилидаги ёндашув Данғара туманидаги «Найманча», Тошлоқ туманидаги «Зардўст», Учкўприк туманидаги Деҳқонов номидаги, Фарғона туманидаги Бобур номли, Фурқат туманидаги «Қўқон» ва Фурқат номли ширкат хўжаликларида ҳам мавжудлигини қандай баҳолаш мумкин?

Ақлга сиғмайдиган бу аҳволни, фарғонача айтганда, ё аққа, ё баққа ўзгартириш керак. Бундай ўта муҳим ва масъулиятли масалада палапартиш, чала- ярим ишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Бугун масалани кескин тарзда қўйиш, ё фермерликка ўтасан, ёки қолоқликка тортадиган эски тизим ботқоғида қолиб кетасан, деб одамларимизга тушунтириб бериш зарур.

Айни пайтда бу масалага жиддий кўз билан қарайдиган бўлсак, бундай ҳолатларни вилоят раҳбарияти, аввало вилоят ҳокимининг заифлиги ва қатъияти етишмаслиги, иккинчидан, фермерлик ҳаракатига қарши ҳали-бери оёқ тираб турган кўпгина шахслар борлигининг далили, деб баҳолаш керак.

# Одамларнинг орзу-интилишларига раҳбарнинг бурчи

## вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

Агротехника соҳасида ҳам бугунги давр талаби асосида иш тутмасак, ерни ишлаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, мелиорация, маҳаллий шароитга мос бўлган янги навларни экишга ўтиш масалаларида ишни тўғри ташкил этмасак, аҳвол яна ўша-ўша - эски ҳаммом, эски тос бўлиб қолаверади.

Фарғона шароитига мос, эртапишар ва юксак сифатли тола берадиган пахта навларини яратиш масаласи шунча пайтдан буён эътибордан четда қолиб келаётганини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди. Бунинг учун олдиндан бош қотириш, марказда бўладими, водийда бўладими, олим ва мутахассисларнинг салоҳиятини шу масалага сафарбар қилиш учун нима керак - аввало ташкилотчилик, ташаббус керак. Афсуски, вилоятда шу ишлар бўлмаяпти, амалий ҳаракат сезилмаяпти.

Лекин бугун замон ўзгармоқда, ҳаёт ўзгармоқда. Шунга қараб бизнинг дунёқарашимиз, ҳаётга муносабатимиз ҳам ўзгариши керак. Бугунги Ўзбекистон бир вақтлардаги аграр республика эмас. Ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалигининг улуши 24-26 фоизни ташкил этади.

Бизнинг устувор вазифамиз саноатни ҳар томонлама ривожлантириш, ўзимизда етиштирилаётган хомашёни ўз корхоналаримизда қайта ишлаш ҳажмини ошириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор бериш, коммуникация, информацион технологиялар, хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш ҳисобидан мамлакатимизни янги тараққиёт босқичига олиб чиқишдан иборат. Бу борада мен бугун ҳаётга кириб келаётган, замонавий билимларни эгаллаётган ёшларимизга катта умид ва ишонч билан қарайман. Чунки ўз олдимизга қўйган ана шундай юксак мақсадларга эришиш учун ёшларимизда барча имконият - ақл-заковат ҳам, куч-ғайрат ҳам етарли. Энг муҳими, фарзандларимиз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган инсонлар бўлиб воя етиши учун давлатимиз, жамиятимиз барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Фурсатдан фойдаланиб ёшларимизга мурожаат қилмоқчиман: «Ҳеч қачон бўш келманглар, азиз фарзандларим!»

Қадрли юртдошлар!

Юқорида зикр этилган муаммоларни ҳал этишда бир муҳим масалага қараш ва ёндашувимизни ўзгартирмасдан туриб, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бу масала олиб бораётган барча ислоҳотларимизнинг негизида, томирида ётганини чуқур англаб олишимиз зарур.

Сўз авваламбор аҳолининг ижтимоий муаммоларини ечиш, кундалик эҳтиёжларини қондириш ҳақида бормоқда. Такрор айтаман, биз нимаики иш қиладиган бўлсак, уни бошлашдан олдин бир саволга жавоб беришимиз керак - амалга ошираётган ишларимиз охир-оқибатда одамларнинг ҳаётига, кайфияти ва манфаатига қандай таъсир қилади, уларнинг оғирини енгил қилишга қандай ҳисса қўшади?

Шу маънода, Фарғона вилоятидаги мавжуд ижтимоий аҳвол ҳақида гапирадиган бўлсак, биринчи галда аҳолини иш билан таъминлаш муаммосига тўхталиб ўтиш зарур.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида истиқомат қилаётган қарийб 2 миллион 900 минг аҳолининг салкам 1 миллион 600 минг нафарини меҳнатга лаёқатли одамлар ташкил этади. Бу масала айниқса қишлоқ жойларда ўта долзарб бўлиб турибди. Чунки вилоят аҳолисининг қарийб 60 фоизи қишлоқда яшайди.

Лекин, вилоятда ўтган йили янги иш ўринлари яратиш бўйича йиллик топшириқ 64 фоизга, аёллар учун иш жойи ташкил этиш режаси эса атиги 54 фоизга бажарилгани бу соҳадаги ишларнинг қониқарсиз эканидан далолат беради.

Юртимизда касаначиликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳукумат дастурига мувофиқ вилоятдаги 85 та йирик саноат корхонасида 8 минг 230 нафар фуқарони касаначилик асосида иш билан таъминлаш кўзда тутилган эди. Таассуфки, раҳбар ва мутасаддиларнинг бу масалага масъулиятсиз муносабати туфайли ушбу режа жорий йилнинг 1 сентябрига қадар бор-йўғи 35 фоизга бажарилган, холос.

Яна бир муҳим масала - тиббиёт соҳасини оладиган бўлсак, бу борадаги ишларнинг аҳволи ҳам талабга жавоб бермайди. Айниқса, тиббиёт муассасаларини қуриш ва таъмирлаш ишларида жиддий камчиликлар кўзга ташланмоқда.

Буни капитал таъмирдан чиқарилиши лозим бўлган 8 та оилавий поликлиникада режадаги ишларнинг атиги 25 фоизи бажарилгани, реконструкция қилиниши кўзда тутилган 33 та қишлоқ врачлик пунктидан 22 таси ишга туширилгани ҳам тасдиқлайди.

Жойларда аҳолининг ҳақли эътирози ва норозилигини уйғотаётган коммунал соҳадаги аҳвол ҳам ижобий томонга ўзгармасдан қолмоқда, бу соҳада хизмат сифатини ошириш, ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўйиш бўйича амалий чоралар кўрилмаяпти.

Вилоятдаги кўпқаватли уйларнинг қарийб 40 фоизида ички коммуникация тармоқлари таъмирга муҳтож бўлиб турган ҳолда, 2005 йилда уй-жой мулкдорлари ширкатларига кредит ажратилмаган. Уларнинг моддий-техник базаси ҳам ночорлигича қолмоқда.

Ўтган йил мобайнида коммунал хизматлардан жами қарздорлик 112 фоизга ўсгани, жорий йилда бу кўрсаткич табиий газ бўйича 110 фоизни, ичимлик суви бўйича 142 фоизни ташкил этгани жиддий муаммога айланмоқда.

Хабарингиз бор, мен яқинда вилоятда бўлиб, Фарғона туманидаги Бобур номли ширкат хўжалигида теримчи аёллар билан суҳбатлашганимда уларнинг бири ўзи яшаётган қишлоқда сув таъминоти масаласида муаммо борлигини тортиниб бўлса ҳам айтишга мажбур бўлди.

Савол туғилади: нима учун маҳаллий раҳбарлар шу масалага эътибор бермаган? Нима, юз-икки юз метр қувур тортиб, бу масалани ҳал этиш шунчалик қийинми? Буларнинг барчаси нимани кўрсатади? Аввало, раҳбар ва мутасаддиларнинг ҳаётдан, оддий одамларнинг дарду ташвишларидан узоқлашиб қолганидан далолат эмасми бу?

Ёки Фарғона шаҳрида янгитдан барпо этилган бозорнинг аҳволини олинг. Бу аслида бозор эмас, ҳақиқий хўжакўрсинчилик намунаси, деса бўлади.

Маҳаллий раҳбарларни олдиндан огоҳлантирмасдан, бу кимсасиз бозорни бориб кўрганимизда, фақат расмиятчилик, ҳар томонлама ўйламасдан тузилган аҳмоқона лойиҳаларни амалга ошириш, иккита одам сиғмайдиган товуқнинг катагидек дўкончаларни қурищдек хунук манзарага дуч келдик. Булар кимнинг ижоди, бундай юзаки ишларга қандай баҳо бериш мумкин?

Лўнда қилиб айтганда, бозорни қуриш пайтида ҳеч ким оддий кишиларнинг талаб ва эҳтиёжини инобатга олмаган.

Ҳолбуки, шу юртда яшаётган ҳар бир одам яхши билади - бозорнинг аҳволи, бозордаги нарх-наво одамларнинг кайфиятига бевосита таъсир қилади. Шундай экан, бундай хўжакўрсин ишлар кимга керак?

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Юқорида баён этилган фикр ва мулоҳазаларни мужассам қилиб айтадиган бўлсак, кейинги бир неча йил мобайнида вилоят ҳаётида, кўпгина соҳа ва тармоқларда сурункали тус олаётган оқсоқлик ҳолати ҳали-бери барҳам топмасдан келмоқда.

Ана шундай салбий аҳволни ўзгартириш мақсадида бундан икки йил олдин Шермат Нурматовга катта ишонч билдириб, уни вилоят ҳокими вазифасига тайинлаган эдик. Айни пайтда вилоятнинг қатор шаҳар ва туманларида ҳам раҳбарлик вазифасига янги одамлар қўйилди.

Адолат юзасидан айтиш керакки, ана шундай ўзгаришлар туфайли жойларда бирмунча жонланиш кузатилмоқда. Буни ўтган йили вилоятда пахта ва ғалла бўйича шартнома мажбуриятининг бажарилгани, амалга оширилаётган қурилиш ва ободончилик ишлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Энг муҳими, нафақат вилоят ёки туман марказлари, балки олис қишлоқларда ҳам одамларнинг фикри, меҳнатга, ҳаётга муносабати ўзгармоқда. Мен яқинда вилоятда бир қатор фермерлар билан учрашув пайтида уларнинг ҳаётдан мамнун бўлиб турганини кўриб, уйғоқ фикрларини эшитиб, бунга ишонч ҳосил қилдим.

Яъни, одамларда интилиш бор, ҳаракат бор. Улар давлат миқёсидаги катта- катта масалалар ҳақида ҳам ўз фикр ва қарашларига эга. Табиийки, бундай инсонлар энди вилоят ҳаётидаги мана шундай мудроқлик ва ўзибўларчилик кайфиятига чидамайди.

Фарғона заминида ўз кучига, эртанги кунга ишониб-инониб сидқидилдан меҳнат қилаётган, нафақат ўзининг оиласи, айни пайтда эл-юртга ҳам наф келтиришга бел боғлаган минг-минглаб одамларда мана шундай эзгу интилиш борлигини кўрмаслик, сезмаслик мумкин эмас. Уларнинг йўлини очиб бериш, қўллаб-қувватлаш - ўзини жонкуяр раҳбар, ҳақиқий етакчи ҳисоблайдиган ҳар қайси инсоннинг асосий вазифаси бўлиши шарт.

Буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, денгиз тўлқинидек қудратли кучга айланиши мумкин бўлган бу одамларнинг худо берган ақл-заковати, куч-ғайратини рўёбга чиқариш учун уларнинг олдидаги ғов-тўсиқларни олиб ташлаш, ишни янгича ташкил этиш, алмисоқдан қолган иш услубларини ўзгартиришни бугун ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб қилмоқда.

Афсуски, бугун бу ерда келтирилган мисоллар бунинг аксини кўрсатмоқда. Яъни, турли раҳбарлик вазифасида ўтирганлар одамларнинг ҳаётий интилишларига, дарду ташвишларига совуққонлик билан қараб, қўл-оёғимизни ипсиз боғлаб турган эски қолиплардан чиқиб кетиш учун етарли ҳаракат қилмаяпти.

Бир ҳақиқат барчамизга аён бўлиши шарт: ҳеч ким ҳеч қачон четдан келиб бизнинг ишимизни ўнглаб, оғиримизни енгил қилиб, муаммоларимизни ечиб бермайди.

Фақат ўзимиз, ўз кучимиз ва салоҳиятимиз, ақл-заковатимизга суянган ҳолда, олдимизга қўйган мақсадларга эришиш учун тинимсиз ҳаракат, ҳаракат ва яна бир бор ҳаракат қилишимиз даркор.

Албатта, ҳаёт бор экан, муаммо бор, бу ҳам табиий ҳол. Лекин мавжуд муаммоларни яширмасдан, халқ билан бевосита мулоқот қилиш зарур.

Ҳар қандай оғир ва мураккаб аҳволга тушганимизда ҳам, жамоатчилик, маҳалла, фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, обрўли фахрийлар, кайвонилар билан бамаслаҳат мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, вазиятни очиқ-ойдин тушунтириш - бугунги куннинг долзарб вазифаси, ҳаётда учрайдиган ҳар қандай нохуш ҳолатларнинг олдини олишнинг асосий шартидир.

Ўз вазифасига мана шундай кўз билан, мана шундай ёндашув билан қарайдиган раҳбар ҳеч қачон кам бўлмайди, эл-юрт олдида муносиб обрўга эга бўлади.

Ҳурматли депутатлар!

Энди кун тартибидаги ташкилий масалага ўтадиган бўлсак, шуни айтиш жоизки, ҳозирги кунда Фарғона вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Ш.Нурматовни кўпчилик яхши одам сифатида билади. Лекин ҳаёт ҳақиқати, замон талаби шундайки, бундай катта лавозимда фаолият кўрсатиш учун яхши одам бўлишнинг ўзи етарли эмас.

Бундай ўта мураккаб ва масъулиятли вазифани адо этиш учун нафақат яхши одам, шу билан бирга, эртаю кеч жон куйдириб ишлайдиган, кўзлаган ишини охирига етказмасдан туриб, ўзи ҳам тинмайдиган, бошқаларга ҳам тинчлик бермайдиган, ҳаётда қатъий принципларга эга бўлган инсон керак.

Нега деганда, раҳбар ўз фаолиятида талабчанлик, керак бўлса, қаттиққўллик кўрсатиб, билими ва тажрибаси, дунёқараши, фидойилиги билан бошқаларга намуна бўлиб, ҳақиқий эл-юрт етакчисига айланмаса, ишда ҳеч қандай силжиш ҳам, ижобий натижа ҳам бўлмайди.

Маълумки, Ш.Нурматов вилоят ҳокими этиб тайинлангунга қадар ҳам бир қанча масъулиятли вазифаларда ишлаган. Жумладан, 2001-2004 йилларда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари, вазир лавозимларида фаолият кўрсатган.

Биз бу инсонни вилоят ҳокими вазифасига тавсия этганимизда унинг ҳаётий тажрибаси, ўз соҳасини яхши билишини ҳисобга олган эдик.

У ўзининг билими ва қобилияти, куч-ғайрати ва малакасини ишга солиб, вилоятдаги камчиликларни бартараф этади, мавжуд муаммоларнинг ечимини топиб, Фарғонанинг илгариги мавқеини тиклашга ҳисса қўшади, деб ишонган эдик.

Лекин, афсуски, Фарғона вилоятида вужудга келган аҳволни ўзгартиришга унинг қурби-қудрати етмаганини бугун очиқ айтишга мажбурмиз.

Бу ҳақиқатни Ш.Нурматовнинг ўзи ҳам тўғри тушунган ҳолда, эгаллаб турган вазифасидан озод қилишни сўраб ариза берди. Ижозатингиз билан ана шу аризани овозга қўйиб, сизлардан бу масала бўйича ўз муносабатингизни билдиришингизни сўрайман.

Энди вилоятнинг янги раҳбарини тайинлаш масаласига ўтишимиз лозим. Биз Фарғона вилоятидаги мавжуд аҳволдан яхши хабардор, бугун вилоят олдида турган муаммолар билан яқиндан таниш, етарли билим ва ҳаёт тажрибасига эга бўлган номзодни топиш устида кўп ўйладик. Вилоятдаги фаоллар, депутатлар, кўпни кўрган оқсоқоллар билан шу тўғрида атрофлича маслаҳатлашдик.

Билдирилган таклиф-мулоҳазаларни батафсил ўрганиб, инобатга олиб, Фарғона вилояти ҳокими лавозимига ҳозирги пайтда Марғилон шаҳар ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Абдухошим Абдуллаев номзодини тавсия этишга қарор қилдик.

Бу раҳбарни ортиқча таърифлаш, унинг ижтимоий фаолияти ҳақида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Бу залда ўтирганларнинг кўпчилиги Абдухошим Абдуллаевни яхши танийди.

У ўз фаолиятини оддий электромонтёрликдан бошлаб, Фарғона вилоятида турли масъул вазифаларда ишлаган. Кўп йиллар давомида Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ўз ҳаётини боғлаб, ўн йилдан зиёд вақт мобайнида шу бирлашманинг бош директори вазифасини бажарган.

Айтиш керакки, бу инсон Фарғона вилоятининг шарт-шароитини, имконият ва салоҳиятини, бу ерда яшаётган аҳолининг ўзига хос хусусиятларини ҳақиқатан ҳам яқиндан билади. Бир сўз билан айтганда, шу вилоятнинг пасту баландини яхши тушунадиган, билимли мутахассис ва тажрибали инсон.

Кейинги пайтда Марғилон шаҳрининг ҳокими вазифасида ишлаб, у ўзининг жонкуярлиги ва ҳаракатчанлиги, оддий одамлар билан тил топиша олиши, уларнинг дарду ташвишларини ҳис этишини кўрсатди. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйига тайёргарлик кўриш борасидаги ишларга катта ҳисса қўшиб, ўзини ташкилотчи раҳбар сифатида намоён қилмоқда.

Шуларнинг барчасини инобатга олиб, Фарғона вилояти ҳокими вазифасига тавсия этилаётган Абдухошим Абдуллаев номзоди бўйича сиз, ҳурматли халқ ноибларидан ўз фикрингизни билдиришингизни сўрайман.

Азиз дўстлар!

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мен барчангизга, бутун Фарғона аҳлига мурожаат қилиб айтмоқчиман: Фарғона эли ўз тарихида, ўзининг босиб ўтган мураккаб тараққиёт йўли давомида қандай буюк ютуқларга эришган, қандай юксак марраларни забт этган, шу билан бирга, ўз бошидан қанча-қанча синов ва тўфонларни ўтказмаган.

Лекин бошига тушган ҳар қандай қийинчилик ва муаммоларни енгиб ўтиш учун бир мушт бўлиб, бир тану бир жон бўлиб, ҳар қандай оғир ҳолатлардан ёруғ юз билан чиққан.

Мен ана шундай яхши-ёмон кунларда, ҳар қандай вазият ва ҳолатларда доимо сизлар билан бирга бўлганман ва сизларнинг барчангизни ўзимнинг энг яқин қадрдонларим, деб биламан.

Ишончим комил, кўпни кўрган, оққўнгил, бағрикенг Фарғона аҳли янги раҳбар етакчилигида қўлни қўлга бериб, баҳамжиҳат ишлаб, олдимизда турган катта ва масъулиятли вазифаларни адо этишга, бу қадимий заминнинг шуҳратини қайта тиклашга эришади.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

# Бугун Ўзбек тилига Давлат тили

## СЎЗИ ҲАМ, ШЕЪРИ ҲАМ БИЗНИКИ

**Алишер Навоий ҳақида гап кетганда, ул зотни сўз мулкининг султони, деб таърифлаймиз. Дунё тан олган асарлари билан фахрланамиз. Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқларни севиб тинглаймиз.**

**Ҳақиқатдан ҳам Алишер Навоий халқимиз маънавияти ва адабиётини қуёшдек ёритиб турувчи даҳо зотдир. "Алишер Навоий жаҳон шоирлари ичида энг кўп сўз ишлатган, луғати бой шоирлардан бири ҳисобланади. Унинг тилини "архаик" десак, ўрганиб қайта жон бахш этмасак, Навоийнинг сўзи бизники-ю, шеъри бизники эмас, деган бўламиз".**

**Халқимизнинг севимли шоири Эркин Воҳидовнинг ушбу фикрлари ҳар биримизни ўйлашга, мушоҳада юритишга чорлайди. Қайсидир китобда ўқиб ёндафтаримга кўчириб қўйган далилларга мурожаат қиладиган бўлсам: Пушкин ўз асарларида 21 минг 197 та сўз ишлатган. Шекспир салкам 20 мингта, Сервантес 18 мингга яқин, Алишер Навоий бобомиз эса 1 миллиондан ортиқ сўз ишлатган эканлар. Ул зот форсий, арабий, урду, хитой, мўғул ва бошқа тиллардаги сўзлардан ҳам маҳорат билан фойдаланганлар.**

**Навоий нафақат шоир, балки етук сиёсатчи, иқтисодчи ҳам бўлган. Негадир кўплаб манбаларда бу борада сўз юритилмайди. Ҳолбуки, Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлигида Навоий бобомиз вазирлик қилган даврда давлатнинг иқтисодий салоҳияти анча кўтарилган. Бу ҳақдаги маълумотлар "Вақфийя" асарида ёритиб берилган. Ушбу асарнинг яқинда ўзбек тилига ағдарилган нусхасини ўқиб чиқдим. Унда биз бўлажак молиячилар билишимиз зарур бўлган фикрлар жуда кўп экан. Қани эди, ана шундай дурдона асарлар алоҳида курс сифатида ўтилса. Бунинг нафи жуда яхши бўлади.**

**Тарихдан маълумки, донишманд боболаримиз бир йўналиш билан чегараланиб қолишмаган, турли фанларни ўрганиб ўз назарияларини яратганлар. Аммо, айрим сабаблар билан уларнинг ғоялари амалга ошмай қолган. Масалан, араб рақамларининг дунёга тарқалишида ватандошимиз Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг жуда катта ҳиссаси бор. Ул зот Ҳиндистонда пайдо бўлган рақамларнинг жойлашиш тизимини ўрганиб, уни соддалаштиради, ҳатто сонларни пайдо қилиш ва масалалар ечишни ўйлаб топади. Рақамлардан фойдаланишни кенгайтиради ва ўз кашфиётини араб тилида битилган "Арифметика" асарида баён қилади. Хоразмийнинг "Риёзиёт"и орқали ҳинд рақамлари араб мамлакатларига, сўнгра лотин тилига таржима қилиниб Европага, ундан бутун дунёга "Араб рақамлари" номи билан тарқалади. Агар бу кашфиёт ўша даврда ўз ёзувимизда битилганда "Ўзбек рақами" бўлиб тарихга кирган бўлармиди?**

**Халқимизда тилни қадрлаш она Ватанни, миллатни, ор-номусни қадрлашдек улуғ ҳисобланган. Шу боис биз ёшлар давлат тили — она тилимизни замон талаблари даражасида ривожлантириб, ундаги бўшлиқларни тўлдирмас эканмиз, кўплаб муаммоларга дуч келаверамиз. Ўзбек тилини ўрганиш эса, донишманд боболаримиз меросини ўрганишдан бошланади. Зеро, "тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз"дир.**

**Гулсарвар РАУПОВА,**
**Тошкент Молия институти талабаси**



## Биласизми?

Тилшунос олимларнинг эътироф этишларича, Ер юзида 3000 дан ортиқ тил бўлиб, шундан 200 тилнинг ҳар бирида 1 миллиондан ортиқ, 70 тилда 5 миллиондан ортиқ, 10 дан ортиғида эса 50 миллиондан ортиқ киши сўзлашаркан.

Дунёда 20 га яқин тиллар оиласи мавжуд. Ўзбек тили туркий тиллар оиласига киради ва ушбу тилда сўзлашувчилар сони 30 миллиондан ортади.

Тарих сабоқларидан маълумки, халқимиз бир неча минг йиллар аввал ҳам ўз ёзуви ва адабиётига эга бўлган.

Халқлар ҳозир гаплашаётган тиллар тирик тиллар деб юритилади. Бизга ёзма ёдгорликлари етиб келган, аммо ер юзида яшаётган халқларнинг ҳеч бири ишлатмайдиган тил ўлик тил деб юритилади. Лотин, қадимги ҳинд, санскрит, қадимги славян, қадимги хоразм тиллари ўлик тил ҳисобланади.

Кўп асрлар тирик тил бўлган лотин тилида римликлар ва улар тасарруфидаги халқлар сўзлашган. Бу тил ҳозир фақат ўрта ва олий тиббиёт ўқув юртларида қўлланилади.

Ўлик тил ҳисобланган қадимги хоразм тили ва ёзуви XI асрларга келиб истеъмолдан қолган.

**Маҳбуба ҚОДИРОВА**

## ТАРИХГА НАЗАР

Ўзбек адабий тилининг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Кушон тангаларига зарб этилган "абғу-жабғу" (хоқон — шаҳзода) сўзлари, Урхон-Энасой обидалари, Ўрта Осиё ҳудудидан топилган туркий ёзувдаги археологик ёдгорликлар тилимизнинг қанчалик узоқ тарихга эга эканлигидан далолат беради.

Юсуф Хос Ҳожибнинг "Кутадғу билиг", Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибат ул-ҳақойиқ" каби асарлари тилимизнинг жозибасини ифодалайди.

Айниқса, тилимиз тараққиётида М. Қошғарийнинг "Девону луғатит турк" асарининг аҳамияти катта. Туркий тилшуносликка асос солган ушбу асар она тилимизнинг ўзига хос жиҳатларини очиб берди.

Алишер Навоий ҳазратларининг "Муҳокамат ул-луғатайн" асари эса тилимизнинг илмий-адабий имкониятлари нақадар кенглигини асослаб, инкор этиб бўлмас далиллар билан назарий-амалий жиҳатдан исботлади. Мутафаккир шоир "Хамса"дек улкан асари билан она тилимизга ҳайкал қўйиб кетди.

Шуниси диққатга сазоворки, араб ва форс тили туркий тилимиз ҳамкорлигида ривожланди. Аксарият шоирларимиз форс-араб адабиётидан таъсирланиб ижод қилишди. Мустабид тузум эса тилимиз асосини белгиловчи кўприкларни бузиб ташлади. Натижада миллатимизнинг дилбар шоирлари битган гўзал ашъорлар хира тортиб, ўз юртимизда она тилимиз авом тили сифатида камситилди. Илмий ва маърифий анжуманлар она тилида олиб борилмай, унинг имконияти чекланди.

**Сурайё ҚЎЛДОШЕВА**

## ТИЛ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетида она тилимизга давлат тили мақоми берилганига 17 йил тўлиши муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.**

**Университет профессор-ўқитувчилари, талабалар ва бир гуруҳ тилшунос олимлар иштирок этган ушбу тадбирда ўзбек ва дунё тиллари, уларнинг тарихи ҳамда ривожланиши ҳақида сўз борди.**

**Хусусан, Москва чет тиллари институти ректори, Фанлар академияси аъзоси, доцент Эмма Володорская сўзга чиқиб, ўзбек тили ва Ўзбекистон халқига чуқур ҳурматини изҳор этиб, кейинги пайтда билимга чанқоқ халқнинг жаҳон тилларини ҳам пухта ўзлаштириб олаётганига алоҳида тўхталиб ўтди. Учрашув қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди.**

**Дилноза ДАДАНОВА**

## Эл нетиб

***Тилимиз чиндан-да бой, гўзал, нафис тилдир. Шеърият мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоийнинг шу тилда битган ғазаллари жаҳон адабиёти дурдоналари сирасига кирганлигининг ўзиёқ фикримизнинг яққол исботи бўла олади. Афсуски, ўзлари ўзбек бўла туриб, она тилини яхши билмайдиган ёшлар ҳам йўқ эмас. Тўғри, мен уларнинг турли хориж тилларини, жумладан, рус, инглиз тилларини ҳам ўрганишларига, шу тилда сўзлашишларига қаршилигим йўқ. Ахир, маърифатпарвар шоир Фурқат:***

***Ғайри тилни саъй қилинг билгали ёшлар,***
***Тил воситаи робитаи оламиёндир,***

***дея ўзга тилларни ўрганишга, бунинг натижасида инсоннинг тафаккури, дунёқараши бойишига, жаҳонга чиқишга кенг йўл очилишига ишора қилган. Демак, ўзга тилни ўрганиш фойдали экан. Лекин бу ўз тилига ҳурматсизлик қилиш ёки ўз тилини мукаммал билмаса ҳам бўлади, деганимас-ку.***

Она тилимизга давлат тили мақоми берилганига 17 йил бўлаяптики, ҳамон ўз тилимизнинг қадрини англаб етолмайдиган юртдошларимиз учраб туради. Автобусда, кўча-кўйда, ҳатто телевидениедаги интервьюларда бошқа миллат вакилларининг ўзбек тилида сўзлаётганларини кўриб бир қувонсак, ўзга тилларни урф сифатида қўллаётган, ҳатто ўшанида бузиб талаффуз қилаётган кимсаларни кўриб бир ранжиймиз.

Ахборот асрида яшаяпмиз. Миллийлигимизни белгилаб берувчи энг асосий воситалардан бири тилдир. Шу маънода ҳам азалдан тилга ҳурмат, эътибор кўрсатилган. Нега энди биз, бугунги авлод вакиллари ана шу эҳтиромни юксалтириш ҳақида ўйламай қўйдик? Узоққа бормайлик, маънавият булоғи ҳисобланмиш газета, телевидение, радиоларда учрайдиган айрим жумла ва сўзларда ҳам ҳурматсизлик сезилиб қолмоқда. Айниқса, хусусий радио ва телеканаллар ҳамда нашрлар бугун ҳаётимизни қамраб олган бир вақтда тилга беписандлик тобора яққол намоён бўлмоқда. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, хусусий радиоканаллардан бирида бошловчи табриклар саҳифасида мухлис билан танишаётиб шундай деяпти: «Исмингиз, Лутфулла, хўш ўқиймизми, ишлаймизми? Савдо билан шуғулланасиз, зўр-ку. Нима сотасиз? Ҳа, оптомдами, қандай товарлар сотасиз, яхши, энди табрикка ўтсак...»

Афсуски, кишилар уйда, йўлда, кўча-кўйда ҳам кун бўйи радио эшитадиган ва турли нодавлат нашрларини мутолаа қилишга муккасидан кетган бир шароитда мавжуд хато, камчиликларнинг олдини олиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти. Тўғри, бу соҳада ҳамма бепарво десак, сал ноўрин бўлади. Чунки баъзан у ёки бу матбуот турида, телевидениедаги айрим баҳс-мунозарали кўрсатувларда бир-икки шу мавзуда қисман бўлса-да, тўхтаб ўтилади. Бироқ ҳаммаси ҳавога учгандек натижасиз кетмоқда. Акс ҳолда кўрсатилган камчиликлар аллақачон бартараф этилган бўлармиди? Баъзида тилимизга доир муаммолар қаламга олинган мақолаларни ўқиб бизга сезилмай, ҳаёт тарзимизга айланиб бораётган хато ва камчиликлар ҳақида анча маълумотларга эга бўламиз, аммо... Бир мақолада тилимизга муносабат, ундаги муаммоларнинг кун сайин ортиб бораётгани хусусида жиддий фикрлар берилган бўлиб, у ҳар қандай ўқувчининг эътиборини жалб этиши шубҳасиздир. Айниқса, муаллиф келтирган мана бу жумлалар жуда таъсирли: «жазо тайин — гар тилингдан бир тилимин узсалар, бепарвомиз — бутун бошли тилимизни бузсалар». Нақадар содда, мухтасар фикр. Бу аччиқ ҳақиқат виждони уйғоқ кишини хатоларни тузатишга ундайди, албатта.

Қани энди куюнчаклик билан ёзилган ана шундай мақолалар сони ортса-ю, уларнинг натижаси ҳақида ҳисобот тарзидаги мақолалар бериб борилса.

Санъатнинг кино ва қўшиқчилик соҳасида ҳам тилга эътиборсизлик, беписандлик тобора авж олаётгани ачинарли ҳолдир. Ўзбек тилида айтилаётган айрим замонавий қўшиқларда баъзан русча сўзларнинг қориштириб айтилаётганини хўп ва кўп танқид қилдик. Ва... танқиднинг «меваси» сифатида энди инглизча сўзларни қўшиб айтиш

# мақоми берилганига 17 йил тўлди

***Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинган кунни нишонлаётганимизда қандайдир ғурур ҳиссини туяман. Ахир мустабид тузумда нафақат динимиз, балки тилимиз ҳам озмунча тазйиққа учрамаган эдими! Ўша вақтларда ёши улуғ, кўпни кўрган кишилардан: "Ҳар бир иш меъёрида бўлгани яхши", деган гапни эшитардик. Бу ҳақда тенгдошларимиз билан соатлаб баҳслашардик. Дарҳақиқат, меъёр сўзини қандай тушуниш лозим? Аниқроғи, ҳар бир ишнинг меъёрини ким белгилайди?***

## ҲУРМАТ ҚИЛСАНГ, ИЗЗАТ ТОПАСАН

Фарғона воқеалари содир бўлган кунлар эди. Мен республика радиосида ишлардим. Катта бир мажлисда ёш журналист йигит: "Фарғонадаги фожеаларга ўзбек халқи эмас, балки айрим тўдалар айбдор" дея ўз фикрини билдирди. Унинг куюниб гапираётганини тингларкан, ёнимда ўтирган бир ҳамкасбимиз шеригига: "Экстремист" дея қўлини бигиз қилиб кўрсатди. Шунда унинг гапига ҳайрон бўлгандим. Ахир киши бўлиб ўтаётган воқеага ўз муносабатини билдиришга ҳаракат қилса, бунинг нимаси экстремистлик экан?

Талабалик йилларимиз эди. Уч-тўрт киши суҳбатлашиб турсак, дўппи кийган курсдошимиз даврамизга қўшилди. Шунда Виктория исмли қиз киноя қилди: "Нима, бошинг совқотиб қолдими дейман, дўппи кийиб олибсан? Ё бўлмаса "сен ўзбексан, дўппи кийиб юришинг керак" деб қулоғингга қуйишдими? Тўғрисини айтсам, сиз ўзбеклар шунақанги миллатчисизларки..."

Шу воқеалар хаёлимдан ўтар экан, яқин бир дўстимнинг Болтиқбўйи республикалари ҳақидаги таассуроти ёдимга тушди. У меҳмон бўлиб борган хонадон эгалари уни яхши қабул қилишибди. Ҳақиқий меҳмондўстлик намунасини кўрсатишибди. Лекин, дўстимни ҳайрон қолдирган нарса шундаки, мезбонлар меҳмоннинг ҳурмати учун рус тилида сўзлашишар, нари кетгач оила аъзолари ўзаро маҳаллий тилда муомала қилишар экан.

Шунда меҳмон улардан:

— Сизлар оилада нега она тилингизда сўзлашмайсизлар? — деб сўрабди.

Унинг бу саволига мезбонлар кулиб жавоб қайтаришибди.

— Тўғри, биз русмиз. Лекин бизга ёшликдан маҳаллий миллатнинг тилини, маданияти ҳамда удумларини ҳурмат қилишни ўргатишган. Буни ҳар бир маданиятли киши тўғри тушуниши лозим. Биз она тилимизни ҳурмат қиламиз, лекин маҳаллий миллат тилини ҳам ундан кам кўрмаймиз.

Шунда ўринли савол туғилади. Хўш, нега бизда бунинг тескариси содир бўлди. Нима учун ҳатто турли мажлислар унда қатнашувчиларнинг 99 фоизи маҳаллий миллат вакиллари бўлишига қарамай, фақат рус тилида ўтказилди?

Шукрки, ҳозир замон ўзгарди. Меъёр ҳам ўз ўлчамини топди. Ўз навбатида она тилимизни ҳурматлаш, уни бойитиш ва эъзозлаш ҳуқуқига эга бўлдик. Эндиликда мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси она тилимизни қадрлашни ўзининг фуқаролик бурчи деб билмоғи шарт.

Чунки она тилимизнинг ҳурматини жойига қўйсаккина у тараққий этади, фахр-ифтихоримизга айланади.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



## Тафаккур калити

***Нозиктаъб французларда бир одат бор экан: мамлакат ҳудудида ишлаб чиқилган маҳсулот француз тилидаги ёрлиқ билан таъминланмаган бўлса, ана шу маҳсулот эгаси қонун олдида жавоб берар экан.***

***Тўғри-да, ҳар қандай жамиятнинг ривожи — миллий тилнинг равнақи, қолаверса, жамият аъзоларининг миллий-маданий даражаси, миллий-руҳий мувозанати билан белгиланади. Негаки, юксак маънавият, тафаккур ва руҳий мувозанат, ақлий камолотга фақат ўз она тилига муҳаббат билан эришиш мумкин.***

**Мустақиллик она тилимиз ривожи билан бирга ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, жаҳон илм-фан, ютуқларидан баҳраманд бўлиш, замонавий технологияларни бошқаришлари учун хорижий тилларни ҳам пухта ўрганишларига шарт-шароитлар яратди. Хорижий тилларни билиш ҳатто улар учун алоҳида сифатга айланди. Бу эса жаҳонга юз тутаётган давлатимиз учун имконият, эҳтиёж. Аммо Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек, чет тилларни ўрганиш, она тилини эсдан чиқариш ҳисобига бўлмаслиги лозим. Негаки, ўз тилини унутиш эвазига эришилган бундай "ютуқ" кишини ўзлигидан узоқлаштиради. Энг ёмони, миллий тафаккур ва идрок бегоналашиб, бора-бора бу ўзликни йўқотишга олиб келади. Ўзлигини йўқотган инсон эса бамисоли қанотсиз қуш.**

**Шу боис ёшларимиз учун дунёвий илмлар қатори, ўз она тилларини ҳам мукаммал билишлари зарур эҳтиёжга айланиши керак. Акс ҳолда Ватан, халқ, миллат, буюк аждодлар олдидаги инсоний бурч унутилади, миллат камолига путур етади.**

**Шу ўринда ҳаётий бир мисол келтирсам. Яқинда турли вилоятлардан келиб нуфузли университет талабалари бўлган бир гуруҳ ёшлар билан суҳбатлашдим. Улар негадир она тилларида эмас, рус тилида сўзлашишни хуш кўришди. Ҳатто буни ўзларича "замонавийлик" деб баҳолашди ҳам. Аммо гап ғурур, ўзлик ҳақида кетганда, талабалар ростга кўчишди.**

**Маълум бўлишича, талабалар ўзбек адабий тилини яхши билишмас, шевада гапириб уялиб қолмасликлари учун рус тилида фикрларини баён қилишаркан. Бошқа тилда булбулдек сайраб, ўз тилига беписанд муносабатда бўлган бу ёшларни "замонавий" дейиш мумкиндиру, аммо миллатпарвар, ватанпарвар, дейиш ҳақиқатдан йироқдир.**

**Севимли шоиримиз Абдулла Орипов айтганларидек, "Ҳеч ким ота-онангни нега севасан ёки нега севмайсан, деб савол қўйишига ҳаққи бўлмагани каби, Ватанни ҳам мажбуран севдириб бўлмайди. Ватанга муҳаббат табиий бўлиши керак". Шу маънода она тилига муҳаббат ҳам табиий ва юракдан самимий бўлиши керак. Интеллектуал салоҳият Ватанга муҳаббат, она тилга эҳтиром, қадриятларга ҳурмат билан уйғун бўлиши зарур. Доноларимиз бежиз "бошга не кулфат келса тилдан" дейишмаган.**

**Она тилимиз — руҳ устунимиз, тафаккуримиз рамзи. Аслида ҳақиқий озодлик тилдан бошланади. Дунёдаги ҳар бир халқ ўз тилининг истиқболи учун қайғуради. Жумладан, биз ҳам. Чунки, тил — миллатимизнинг виждони, унинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат. Шу боис унинг истиқболи учун барчамиз масъулмиз. Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон айтганларидек:**

**"...Она тили асло**
**бўлмагай унут,**
**Агар ишонмасанг**
**қулоғингни тут.**
**Онанинг қайғуга**
**тўлган кўзлари,**
**Она тилининг**
**энг буюк сўзлари.**
**Тингла боғда дарахт**
**шу тилда гуллар...**
**Ялпизлар, булоқлар,**
**кўкда юлдузлар,**
**Бола билан она**
**тилида сўзлар...**

**Миллатпарвар замондошларимиз бор экан, она тилимиз гуллаб яшнайверади.**

**А.НАБИЕВА**

## топгай мениким...

ҳам одатга айланаяпти.

Манзуранинг қўшиғини тинглангa:

Love you,
Лекин сенга ҳеч айтолмайман,
Love me,
Севгингсиз бир зум яшолмайман.

Бу қайси мантиққа тўғри келади? Итальян, испан ёки француз тилидаги қўшиқларни инглиз ёки рус тилидаги сўзлар қориштирилган ҳолда эшитганмисиз? Йўқ. Чунки улар миллий тилни, миллатни ҳурмат қилишади. Нима учун биз ўзимизча «янгилик» яратамиз деб бўлмағур одатларга берилаяпмиз?

Тилга эътибор – элга эътибор. Ана шу сўзнинг маъносини изоҳлаб беришини мактаб ўқувчиларидан сўрадим ва уларнинг жавобини эшитиб хурсанд бўлдим. «Сўзлаётган сўзимиз, айтаётган гапимизда тилимиз акс этади. Кишини сўзлашига қараб унинг дилидагини, ақл-фаросатини билиш мумкин», — дейди 6-синф ўқувчиси Сарвар. «Бугун тилимизга ҳурмат қай даражада эканини изоҳлаб бера оласизми?» сўрайман ундан. «Масалан, синфдошларим айрим сўзларни бузиб талаффуз қилишади. Яна бир-бирларига лақаб қўйишади. Менимча, бу ҳам тилимизга ҳурматсизлик бўлса керак. Устозимиз ҳар бир дарсда ўзини ҳурмат қилган инсон тилни ҳам ҳурмат қилади, деб айтадилар». Лазиза исмли қизалоқнинг фикрлари ҳам менга анча маъқул бўлди. У аввал тил ҳақида тўрт мисра шеър айтди ва «Она тили ўз номи билан онажонимиз тили. Биз оналарни қандай ҳурмат қилсак, яхши кўрсак, тилни ҳам шундай ҳурмат қилишимиз, яхши кўришимиз керак», — дея саволимга жавоб берди. «Мактабимизда ўтказиладиган тил байрамларига алоҳида тайёргарлик кўрамиз. Ўтган йили ўтказилган байрам, айниқса, барчада катта таассурот қолдирди. Биз унда турли саҳна чиқишларидан ташқари, мустақил ижод танловини ҳам уюштирдик. Бу йил эса ундан-да ажойиб тадбирларни режалаштираяпмиз», - дейди Илҳомбек.

Болажонлар билан суҳбатлашар эканман, яқинда касб-ҳунар коллежи талабалари билан бўлган суҳбат эсимга тушди. Улар қисқача савол-жавоб ўтказилгач, сўровномани ҳам тўлдириб беришди. Сўровномани олгач, уларнинг салкам ярмидан кўпи имло хатолар билан ёзилганини кўриб, гапнинг очиғи, ҳафсалам пир бўлди. 10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчиларнинг бу қадар кўп хатолар билан фикрини баён қилишини қандай тушуниш мумкин? Имлони яхши билмаган боладан тилга эътибор талаб қилиш қийинку, ахир.

Дарвоқе, шу ўринда имло хатолари хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтмоқ жоиз. Кишининг саводхонлик даражаси унинг дунёқарашини белгилаб беради. Лекин кейинги пайтларда, лотин алифбосига асосланган ёзувга ўтганимиздан сўнг хатолар сони янада ортди. Теварак-атрофга назар ташласангиз бас, ўзингиз бунга гувоҳ бўласиз. Кўча, муассаса, ташкилот, корхоналар, дўкон, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари пешлавҳалари-ю, автомашина ва паннолардаги реклама ёзувларида ҳатто сўзларни ёзишда хатога йўл қўйилмоқда. Масалан, A Timur (А.Тимур), oshhona (ошҳона), sport buyimlari (спорт буйимлари), zamonoviy liboslar (замоновий либослар), marxamat (мархамат), extiyot qisimlar dukoni (эхтиёт қисимлар дукони), linolum tushash (линолум тушаш) ва ҳоказолар тарзида ёзилмоқда. Телевидениедаги баъзи кўрсатув номи ёки бошқа ёзувлар ҳам ана шундай хатолардан холи эмас.

Хуллас, бу каби хато ва камчиликларни санаса адоғи кўринмайди. Бу эса биз учун кечирилмас ҳол. Ҳеч бир ҳолат қандайдир сабабсиз вужудга келмайди. Тилимиздаги хато ва камчиликларнинг кўпайиб бораётганига сабаб — бепарволикдир. Ўзлигини англаган, миллийликни қадрлайдиган, аждодлар меросига эҳтиром кўрсатадиган ҳар бир ўзбек бепарволикка муросасиз бўлмоғи лозим. Қолаверса, бу борадаги муаммо бир ёки икки кишининг эмас, балки бутун миллатнинг муаммоси бўлиши, уни ҳал этишга эса барча бирдек масъулият билан ёндашмоғи керак. «Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам», дея гўзал мисралар битганида ҳазрат Алишер Навоий ўзликни англамоқ тилни билишдан бошланишини таъкидламаганмикин? Кишининг сўзи нафақат ташқи қиёфасини, балки ички дунёсини, маънавий қиёфасини ҳам белгилаб беради.

Тил — дил кўзгуси. Кўзгуда эса хира доғлар бўлмаслиги фақат ўзимизга боғлиқ. Унда пайдо бўладиган заррача доғ вақти келиб миллат тараққиётига салбий таъсир қилиши шубҳасиз.

Шундай экан, ўтмиш аждодларимиз эъзозлаган, қадрлаб бизга етиб келган она тилимизни авлодларимизга соф ва беғубор тарзда етказиш ҳақида ҳар доим қайғуришимиз керак.

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА,**
**«Ишонч» мухбири**

# Хатлар — ҳаёт ойнаси

## Газета ва газетхон

Президент қарори — эл мадори

## МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси Амударё тумани бўлинмасида қизғин гурунг устидан чиқиб қолдик.

— Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори айни кунгилдаги гап бўлди, деб қолди "Оқ олтин чорвадори" масъулияти чекланган жамият раиси Анвар Полвонов.

— Мазкур қарорнинг ҳаётга тадбиқ қилиниши хонадонларга қут-барака олиб кирмоқда. Чорвачиликни етти хазинанинг бири дейишади, — суҳбатга қўшилди "Нуроний" жамғармаси раиси.

Мутасаддилар билдираётган фикрда жон бор. Йил бошидан буён туманда ана шу соҳада анчагина ишлар қилинди. Тармоқни ривожлантириш учун "Пахта банк" бўлимидан 30 нафар кишига имтиёзли кредитлар ажратилди. 22 та кам таъминланган хонадонга эса ҳомийлар томонидан чорва моллари олиб берилди. Шунинг ҳисобига 150 та ишчи ўрни яратилди. Хонадонларда сигир, қўй ва паррандалар кўпаймоқда.

Эътиборлиси, туманда чорвачилик соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган даврга нисбатан 1,5 бараварга ортган. Ражаб Мавлонов, Анқабой Абилов, Рўзмат Яхшибоев, Мадрим Эгамов, Жумабой Халиловлар йил бошида олган имтиёзли кредитларига қорамол боқиб, оилаларига 350 — 500 минг сўмгача соф даромад киритишди. Қарорда қайд этилганидек, банклар билан ҳамкорлик қилиб, чорва сонини кўпайтираётганларга ем-хашак ва озуқа маҳсулотлари етказиб беришга шароитлар яратилаяпти. Жорий йил охиригача яна 40 нафар кишига банкдан имтиёзли кредит ажратиш режалаштирилган.

**Болтабой ЭРНАФАСОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси**

Эътибор

## МУҲТОЖЛАР МУҲТОЖЛИК СЕЗМАЙДИ

**Дурдибой Хўжаев Мухомон қишлоғилик Рўзим ота Хўжаёров хонадонига яқинлашаркан, кўз ўнгидан кекса деҳқон ҳаёти ўта бошлади. Қишлоқ хўжалиги юмушларида, айниқса йиғим-теримда унинг олдига тушадигани топилмасди. Бироқ нафақага чиққач, қулоқлари эшитмай, ногирон бўлиб қолди. Лекин ёзиғим шундай экан, пешонадагини кўраман, дея қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Фарзандларини қаватига олиб, деҳқончилигини давом эттираверди.**

**Хазорасп ҳудудида бундай нуронийлар жуда кўп. Уларни қўллаб-қувватлаш ва шароитлар яратиб бериш соҳасида туман ижтимоий таъминот бўлими кенг қамровли ишларни олиб бораяпти. Жумладан, ўтган даврда 22 нафар нафақадор ва вақтинчалик ногиронларга эшитгич мосламаси, қўлтиқтаёқ каби маҳсулотлар олиб берилди. 14 нафар болаликдан ногиронларга эса аравачалар туҳфа этилди.**

**Шунингдек, нафақадор ҳамда ўзгалар парваришига муҳтожларнинг саломатлигини муҳофазалашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жорий йилда бўлим ҳисобидан 43 нафар киши республикамиздаги санаторийларда дам олдирилиб, соғломлаштирилди. Бўлимнинг 11 нафар ходими қарамоғида ҳеч кими йўқ кишиларга бириктирилган. Бундан ташқари, байрам ва тадбирларда улар ҳолидан хабарлашиб турилади. Туман ҳокимлиги, тадбиркор ва ишбилармонлар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш анъана тусини олган.**

**Комилжон МУХТОРОВ,**
**Хоразм вилояти**

Миннатдорчилик

## НАФАҚА ПУЛИ УНДИРИЛДИ

**Фалокат оёқ остида, деганларича бор экан. Шаҳрихон туманининг Полосон маҳалласида яшовчи Тошмуҳаммад Олимов 4-механизациялашган кўчма жамланмадаги энг илғор ишчилардан бири эди. Ўтган даврда унинг саъй-ҳаракати билан ўнлаб ёшлар касб-ҳунарли бўлиб, бунёдкорликнинг этагини тутишди.**

**Бироқ маъмуриятнинг ишчига етарлича шароит яратмагани ва меҳнат қонунларига тўлиқ риоя этмагани боис ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса юз бериб, моҳир уста ногирон бўлиб қолди. Воқеа содир этилган жойда зарур ҳужжатлар расмийлаштирилгач, Т. Олимовга ногиронлик нафақаси белгиланди. Аммо орадан ҳеч вақт ўтмай, корхона мутасаддилари турли баҳоналар билан нафақани тўлашдан бош тортишди.**

**— Шундан сўнг ҳақ-ҳуқуқимни ҳимоя қилишни сўраб кўпгина идораларга бордим, — дея таъкидлайди Тошмуҳаммад ака. — Мутахассислардан жўяли фикр эшитмагач, агросаноат мажмуи ходимлари Асака туман касаба уюшмасига учрашдим. Улар барча ҳужжатларни қайта кўриб чиқиб, тақдимнома киритишди. Ниҳоят, икки йиллик оворагарчиликлар барҳам топди. Корхона ҳисобидан 1 миллион 100 минг сўм ундириб бериладиган бўлди. Мушкулимни осон қилиб, ҳақ-ҳуқуқимни тиклаган касаба уюшма ходимларидан миннатдорман.**

**Қобилжон ШОКИРОВ,**
**Андижон вилояти**



***Ёмғирдан, қордан асрар соябон,***
***Соябон каби инсонга инсон***

Хабар

## ҲУНАРЛИ ЎҚУВЧИЛАР

Данғара туманидаги 18-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган "Табассум" болалар ашула ва рақс ансамбли нафақат туманда, балки республикада ҳам машҳур.

Ўтган йили Тошкент шаҳрида Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишланган "Рақкоса қизлар" танловида ана шу даста фахрли ўринни қўлга киритганлиги кўп йиллик машаққатли меҳнат самараси дея баҳоланди. Бунда гуруҳ раҳбари, мусиқа ўқитувчиси Охунжон Эргашевнинг хизматлари катта.

Туман халқ таълими бўлими тасарруфида ана шу йўналишдаги 20 дан ортиқ тўгараклар ишлаб турибди. Каштачилик, попукчилик, ёғочга ўйма ишлов бериш, рассомчилик санъати кабилар, айниқса, ривожланаяпти. Муҳими, тўгаракларда қатнашаётган ўқувчилар тайёрлаётган бежирим маҳсулотлар кўпчилик эътиборини тортаяпти.

**Иқболжон ҚЎЛДОШЕВ,**
**Фарғона вилояти**

Луқма

## ЎЙНАБ ГАПИРСАНГ ҲАМ ЎЙЛАБ ГАПИР

***Тил тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинганига мана 17 йил тўлди. Ўтган даврда бу борада улкан ишлар амалга оширилди.***

***Эришилган муваффақиятлар билан биргаликда, айрим ҳолларда киши кўнглини хижил қиладиган ҳолатлар ҳам учрамоқда. Айрим юртдошларимиз тилга беписандлик билан муносабатда бўлмоқда, яъни сўз «чайқовчи»ларига айланиб қолмоқда. Телевизор кўрасизми, радиога қулоқ тутасизми, газета-журналларни варақлайсизми ёки афишаларни ўқийсизми тез-тез мантиқдан йироқ ибораларга дуч келасиз. Наврўз — фасллар келинчаги сингари. Ахир Наврўз фасл эмас-ку!***

***Бой ва гўзал тилимизга бўлган ҳурмат сўз сеҳри, унинг қудратини ҳис қилишга боғлиқ. Буни англаб етган кишигина сўз «чайқовчи»сига айланиб қолмайди.***

**Раимқул СУЯРОВ**

Инфратузилма

## КИЧИК ЦЕХЛАР АФЗАЛЛИГИ

Деҳқонобод — Қашқадарё воҳасидаги тоғли ҳудудлардан бири. Туманда инсон омили, уни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириб, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш йўлида муайян ишлар қилинмоқда.

Жумладан, тасарруфда 6 та замонавий маҳалла гузари, улар таркибида пойафзал тикиш, ҳар хил устахоналар, 3 та қишлоқ врачлик пункти, 5 та ёқилғи қуйиш шохобчаси ва 14 та янги типдаги мактаблар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, жунни қайта ишлашга ихтисослашган цехлар, 4 та тикиш-бичиш цехи ҳам юзлаб ёшларнинг доимий иш билан бандлигини таъминлаб келаяпти.

Кичик корхона ва цехлар фаолиятига жиддий ёндошилаётганлиги боис сифатли маҳсулотлар чет элда ҳам ўз харидорини топмоқда. Масалан, жундан тайёрланаётган 16 хилдан ортиқ маҳсулотлар Россия, Туркманистон, Қозоғистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

**Хайрулла ТЎРАЕВ,**
**Қашқадарё вилояти**

**Суд очерки**

***Яхши сўз жон озиғи. Бир оғиз сўз билан ўксик кўнгил тоғдек кўтарилади ёхуд чилпарчин бўлади. Ўйламай айтилган сўз, туҳмат туфайли умидлари бисёр Орзигулнинг ҳаёти остин-устин бўлди.***



# Туҳмат қурбони

Орзигул кечки маҳал идиш-товоқларни ювиб уйга кирганида кичкинтойи ўйинчоғини қучоқлаб ухлаб қолган, катта ўғли эса овсини Дилбарга саволлар бериб ҳоли-жонига қўймаётган эди. Икки овсин бир оз телевизор томоша қилишди, гурунглашиб ўтиришди. Шундан сўнг Орзигул болаларини олиб ухлашга кирди. Орзигулни хаёллар аллақаерга олиб кетди. Мана етти ойдирки, эри Россияга ишлашга кетгани учун қайнукаси ва овсини билан бир ҳовлида яшашади. Ҳадемай келиб қолса, яна ҳаммалари бирга бўлади. Бугун эри билан телефонда гаплашди. Негадир овози бошқача эшитилди, тинчликмикан, ишқилиб. Ана шундай хаёл билан ухлаган Орзигул саҳар чоғи кўрган тушидан қўрқиб уйғониб кетди. «Тавба, - ўйлади у. - Шундай ёмон туш ҳам бўларканми? Нақ юраги ёрилиб кетди-я. Доимо ичиб юрадиган қўшнисининг тушига кирганичи, бехосият. Ишқилиб яхшиликка бўлсин-да». Уйқуси ҳам ўчиб кетди. Тушида туманли майдондан кетаётганида олдидан чиқиб қолган катта кўлвор илонни кўриб, бирдан ўзини четга олади. Илон кавакка кириб кетади. Қаердандир пайдо бўлган икки-уч одам «қайтиб чиқади», деб илон кириб кетган кавакка челаклаб сув қуя бошлашди. Бир маҳал кавакдан бошини чиқарган илон тилга кириб, «ким менинг тинчимни бузди», дея сўраган экан, унинг рўпарасига қаердандир келиб қолган Қайсар пиёниста, «Мана шу аёл», деб Орзигулни бармоғи билан кўрсатибди. Илон эса Орзигулни қувибди. Аёл қанча қочмасин йўли унмас, илон эса унга тобора яқинлашар эди. «Дод» деган овоздан ўзи ҳам чўчиб уйғониб кетди.

Ўтган куни ичкиликка муккасидан кетган қўшниси унга тегажоғлик қилган эди. Ҳайриятки, ўтиб кетаётган кишилар уни тартибга чақириб қўйишди. Бор-йўқ бўлган воқеа шу. Унинг тушига кирган юрагига алланечук ғашлик солди.

У қўл-бетини юваётиб овсинининг бир қўлида супурги, бир қўлида дафтар билан дарвозахонадан келаётганига кўзи тушди-ю аҳамият бермади. Юмушларни саранжомлаб бўлиб уйга кирганида овсини ўша дафтарни ўқиб ўтирган экан. Уни кўриб дафтарни тахмонга қўйди.

– Ҳа, овсин, бунча берилиб ўқияпсиз, жуда қизиқ эканми?

– Йўқ... шунчаки. Нима бўлди, рангингиз синиқ кўринади?

Орзигул у билан нонушта қилгач, қайнотасидан хабар олишга кетди. Қайнотаси Облоберди ота эшикнинг олдида ўтирган экан. Унга кўзи тушиб:

– Ҳа, келин. Тинчликми? – деди.

– Тинчлик. Кеча ўғлингиз билан гаплашдик. Сизга салом айтди.

Ота бошқа сўз демай ҳовлига кирди. Ортидан кирган келин ҳовлидагиларнинг ўзига алланечук тикилаётганини кўриб, юраги орқага тортди. Шу чоғ қайнакаси Худойберди сукунатни бузиб:

– Биз сизга ишонамиз, келин. Лекин ўзингиз мана буни ўқиб чиққанингиз маъқул, – деб қўлидаги дафтарни унга узатди.

Орзигул дафтарни ўқий бошлади. Муқовада «Худойберди, буни ўқи!» деган ёзув бор эди. «Нега буни менга беришди?» хаёлидан ўтказди у. Дағал имлодаги узуқ-юлуқ сўзларга кўз югуртирди. «Худойберди, уканг Абдуғанининг хотини Орзигул сизларга иснод келтираётганидан нахот бехабар бўлсанг?....» Орзигулнинг кўз олди қоронғулашиб, дафтар қўлидан тушиб кетди. Оёқлари ўзига бўйсунмас, боши айланар эди. Шундан сўнг нима бўлганини эслолмайди. Фақат кўзини очганида тепасида овсини ўтирар, пешонасига ҳўл латтани тинмай босар эди. Хаёлидан дафтардаги гаплар яшин тезлигида кечган Орзигул уввос тортиб йиғлаб юборди.

– Қуйинг, келин, парво қилманг. У бир бетавфиқ бўлса.

– Ахир эшитганлар нима дейди? Бу гап укангизнинг қулоғига етса-чи? Ўлганим яхши-ку, — Орзигул ўрнидан туриб рўмолини қайта боғлар экан кўз ёшларини сира тўхтата олмасди...

Уйга келаётиб кўз олдидан эрталаб овсини кўтариб юрган дафтар ўтди.

– Дилбархон, дафтарни қайнотамга сиз берганмидингиз? – сўради.

– Йўқ.

– Эрталаб ўша дафтарни қўлингизда кўрган эдим. Энди бу туҳматга қандай чидайман?

– У дафтарни мен бермаганман. Билсангиз, ўша иғволар бир эмас, учта дафтарда ёзилган бўлиб, бири қайнотамнинг, иккинчиси қўшнининг, яна бири бизнинг уйга ташлаб кетилган экан, - шундай деб Дилбархон чинни гулдон ортидаги дафтарни олиб унга узатди. – Куйинманг, сув юзидаги кўпикдай, ёлғоннинг миси икки-уч кунда чиқади.

Орзигул бутунлай гангиб қолди. Болалари билан овунаман, деб ўйлаган эди, бўлмади. Тўрт девор «ютаман» дейди гўё. Балки бироз ҳовуримдан тушарман, деб акасиникига боришга қарор қилди. Йўлда борар экан, назарида ҳамма уни «ана шу енгилтак аёл» деб қўл билан кўрсатаётгандек туюларди.

– Мен ўлиб бўлдим, акажон. Мана бу дафтарни кўринг. Эл олдида қандай бош кўтариб юраман? – деб йиғлаб юборди.

Ноўрин бўҳтондан орияти исён кўтараётган аёлни юпатиш мушкул эди. Амир онаси ва хотинини синглиси билан уйига жўнатди-да, ўзи ҳақиқатни аниқламоқчи бўлди. Учта дафтарни ҳам топиб солиштириб кўрди, ҳаммаси бир хил имлода ва мазмунда эди.

Уйга келганида синглиси ранги синиқиб кетган бир аҳволда ётар, шифокор келиб муолажа қилиб кетган эди.

– Яшашни истамайман, – дея аҳён-аҳёнда кўзини очиб нола қиларди у.

Тунги муолажадан кейин бироз тинчланган Орзигул уйқуга кетди. Кўнгли хотиржам бўлган Амир хотини ва онасини Орзигулнинг ёнида қолдириб уйига қайтди. Тонгга яқин дарвозанинг қаттиқ тақиллашидан чўчиб уйғонди.

Бўҳтон ва туҳматга чидолмаган Орзигул ўзига ўт қўйган эди...

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан олиб борилган суриштирув ишлари натижасида туҳматчи аниқланди. Ҳар доим ичиб, одамларнинг дилига озор беришни одат қилиб олган Абдуғаффорнинг навбатдаги қилмиши фожеа билан тугади.

У суд ҳукми билан тегишли жазосини олди. Аммо ғаразгўйлик, фисқу фасод туфайли бир бегуноҳ инсон ҳаётдан кўз юмди. Икки нафар норасида она меҳридан жудо бўлди. Ким билади, агар теварак-атрофдагилар ўз вақтида ғийбату бўҳтонларга чек қўйишганида фожеа рўй бермасмиди?..

**Собиржон САИДОВ,**
**Ургут туман прокурори,**
**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

**Луқма**

# Ўқувчи нега сарсон?

***Кўпгина ривожланган мамлакатлар сингари республикамизда ҳам кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Республика Президентининг 2006 йил 27 июлдаги "Умумтаълим мактаблари битирувчиларининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олишларини кенгайтириш тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш борасида ижобий ишлар қилинаётганлиги ҳаммага аён. Аммо, шу билан биргаликда, жойларда бу борада айрим камчиликлар ҳам содир этилаётгани ачинарли ҳол.***

Фикримизнинг исботи сифатида эътиборни таҳририятга келган хатлардан бирига қаратайлик. Шикоят хатида, жумладан, шундай дейилади: “Мен Қўшмонов Исмоил 2003 йилдан буён Республика Нафис санъат лицейида ўқиб келаётган эдим. Жорий йилнинг май ойида ўқитувчиларимиз давлат имтиҳонлари тугаганидан сўнг Халқ таълими вазирлиги буйруғига биноан 10-синф ёпилди деб, ҳужжатларимизни қўлимизга тутқазишди. Ота-онам лицей директорига учрашганида ҳам худди шу тарзда жавоб беришди". Бироқ жорий йилнинг 19 августига келиб Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан вазирлик тасарруфидаги ихтисослаштирилган таълим муассасаларида 10 синфларни очиш ҳақида буйруқ қабул қилинган. Жумладан, Нафис санъат лицейида ҳам жами 60 нафар ўқувчидан иборат иккита синф очилган. Шубҳасиз, бу пайтда лицейнинг 9-синфини тугатган бир гуруҳ ўқувчи ҳужжатларини аллақачон олиб кетиб бўлган.

— Қизиғи шундаки, — дейди И.Қўшмонов. — Сентябр ойининг бошларида мактабдан кетганлигим тўғрисида маълумотнома олишга келганимда айрим синфдошларим ўқишни давом эттираётганликларини кўриб ҳайрон бўлдим. Шу заҳотиёқ ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Мирзоҳид акага учрашдим. У менга сен имтиҳонларга келмагансан, ўқишни давом эттиролмайсан, дейишдан нарига ўтмади. Шундан сўнг барча имтиҳонларни май ойидаёқ яхши баҳоларга топширганим ҳақида директорга айтиб, ўқишимни давом эттиришга рухсат беришини сўрадим. Афсуски, директор илтимосимни рад этди. Вазирлик томонидан янгидан қабул қилинган қарор ҳақида эса менга айтилгани йўқ.

Балки, Исмоилнинг ўзи ушбу лицейда ўқиш учун унчалик иқтидорга эга эмасдир, деган ўйда синф раҳбари Гулнора Мирзаева томонидан ёзилган тавсифнома билан танишамиз. У ўқувчиси И.Қўшмонов ҳақиқатдан ҳам 7-синфдан буён шу лицейда ўқиётгани ҳақида гапириб, анча ижобий фикрлар билдирган. Исмоил ҳар доим ўзининг намунали хулқи, изланувчанлиги, тиришқоқлиги билан бошқаларга ўрнак бўлиб келган. 9-синфни ҳам яхши баҳолар билан якунлаган. Жумладан, “Ўзбекистон тарихи”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” каби қатор фанлардан аъло баҳоларга ўқиган бўлса, бошқа фанларни асосан яхши баҳоларга ўзлаштирган.

Отаси А.Қўшмонов эса ҳомийлик ёрдами сифатида Пахтакор туман "Пахта банки" орқали ўз маошидан ҳар йили 100 минг сўмдан жами 300 минг сўмни Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат лицейи ҳисоб рақамига ўтказиб берган. Ваҳоланки, бундай саховатпешаликни жамоасига, ёшларимиз тарбиясига бўлган эътибор намунаси сифатида юқори баҳолаш мумкин. Сабаби, халқимиз юртимиз келажагига, фарзандларимиз камолига қатъий ишонч ила яшаяпти.

Ўйлаймизки, мутасаддилар тез орада тушунмовчилик туфайли юзага келган муаммога барҳам бериш чораларини кўришади.

**Роза САЙДАҲМЕДОВА,**
**“Ишонч” мухбири**

## Таҳририятимиз меҳмони

# “Бу жонни этай йўлингда нисор, яхшидирсан...”

*Донишмандлар сўзга таъриф берганларида, сўзни жонга, руҳни унинг қолипига ўхшатадилар. Шу боис инсон зоти борки, ҳамиша сўзга эҳтиёж сезади.*

*Сўз ҳам инсон қадар қадимий ва дахлсиздир. Ундан ҳар бир ижодкор истеъдоди, ақли, тафаккури даражасида баҳраманд бўлади. Аслида шоирни элга танитадиган унинг сўзидир. Охунжон Ҳакимов она сўздан гўзал бўстон яратиб, халқимиз маънавиятини бойитган ҳассос шоир. Унинг қалбида уйғонган сўз — меҳнаткаш, содда, самимий, шу билан бирга олийжаноб, нозик таъб халқимиз сўзидир. Шу боис унинг асарлари кўнгилга яқин, оҳанглари юракни уйғотади, руҳни қанотлантиради.*

*Гўзал Фарғонанинг Лоғон қишлоғида туғилиб, камолга етган истеъдод соҳибининг 30 дан ортиқ китоби чоп этилган, 300 дан кўпроқ шеърларини улуғ санъаткорлар қўшиқ қилиб куйлашмоқда. Айниқса, “Лирика”, “Кўзларингнинг ўзи қора”, “Малаклар сурати”, “Дунё, дунё” китоблари аллақачон халқимиз кўнгил тўридан жой олган. Тўртта комедияси саҳналаштирилган. “Олам ғалат, одам ғалат” китоби “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан чоп этилади.*

*Эл севган ижодкор Мустақилликнинг 15 йиллиги арафасида Президентимиз Фармони билан Ўзбекистон халқ шоири унвонига сазовор бўлди.*

*— Ижодкор учун халқ эътирофи, Ватан мукофотидан улуғроқ яна нима бўлиши мумкин, — дейди Охунжон Ҳакимов. — Истиқлолнинг улуғ туҳфасидан кўнгил қувончга тўлди. Бу қувонч ортида катта масъулият турибди.*

*Ўзбекистондек жаннатмакон диёри бўлган ижодкор ёзмай туролмас экан. Халқим, Ватаним, Истиқлолимга муносиб асарлар яратсам, дейман.*

*Ҳақиқий ижодкор кўнгли — миллат кўзгуси. Унда халқ руҳи акс этади.*

*Шеърлари қўшиққа айланиб, тиллардан дилга кўчган инжа сатрлардан гулдаста тузиб, Сиз, азиз муштарийларга илиндик. Ўқинг, кўнглингиз сўз сеҳридан ажиб туйғуларга тўлсин.*

## *Охунжон ҲАКИМ*



### ЁМОНЛИК ЧИҚМАГАЙ

Кўкрагида имони бордин ёмонлик чиқмагай,
Оқ кўнгилу оқила ёрдин ёмонлик чиқмагай.

Сен тиконнинг захри бор деб инжима, бад сўз дема,
Токи панжа урмасанг, хордин ёмонлиқ чиқмагай.

Қаҳри қаттиқ қаҳратоннинг гарчи музу қори бор,
Изғирини бўлса ҳам қордин ёмонлиқ чиқмагай.

Ботир ўғлонларни мардум сор-лочинга менгзади,
Эл биларки, лочину сордин ёмонлиқ чиқмагай.

Кимда дўсту ёр бисёр, дерлар қаторда нори бор,
Сенда минглаб нор бўлсин, нордин ёмонлик чиқмагай.

Битса ҳам ашъор Охунжон, гоҳи нордон сўзи бор,
Лек, рафиқлар, аҳли ашъордин ёмонлиқ чиқмагай.

### БЎЛМАСА БЎЛДИ...

Давраларда макр бўлмаса бўлди,
Иймонга терс зикр бўлмаса бўлди.

Сенга йўлу йўриқ бергувчи зотда
Фикр икир-чикир бўлмаса бўлди.

Хиёнат тухумлар қўяр тўхтовсиз,
Э, воҳ, замон охир бўлмаса бўлди.

Бу кун кулиб боққан кўзингда э, дўст,
Эртан менга қаҳр бўлмаса бўлди.

Хобимда наҳанглар қуршамиш мени,
Бунга ёмон таъбир бўлмаса бўлди.

Э, инсон, нафсингдан ёмон бало йўқ,
Шу балога асир бўлмасанг бўлди.

Тоқат қилсанг битар ғўрадан ҳолва,
Кутган ҳолванг тахир бўлмаса бўлди.

Сабрнинг сарҳади бордир, Охунжон,
Сабр таги қабр бўлмаса бўлди.

### ДУРДОНАЛАРДАН...

Олтиндан афзалсиз, зарлардан аъло,
Сиз дурлар ичинда дурдоналардан.

Санамлар саралаб чиқилса магар,
Сиз етти иқлимда ягоналардан.

Биз эса қаддингиз адоси бўлиб
Оҳ урган вола-ю ҳайроналардан.

Суқланиб боқсак-да, зинҳор илтифот
Кўрмадик сиз кўзи жайроналардан.

Сиз — Лайли, мен телба Қайсингиз бўлиб
Чиқиб келдим кўҳна афсоналардан...

Васлингиз муддатин кутмакдан букун
Бўлди ол юзларим зардоналардан.

Қувиб солсангиз ҳам кириб боргим бор
Сиз камол топган ул остоналардан.

Оҳлари етмаса сизга, Охунжон
Бош олиб кетадир Фарғоналардан!

## Журналнинг янги сони



*Сарлавҳадан ажабланманг, “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журналининг шу йилги 3-сонида ҳам аввалги сонлардаги каби уч тилда бир-бирини такрорламайдиган рукнлар ва мақолалар чоп этилган. Бу журнал салоҳиятининг анча юксалганлигидан нишонадир. Муқовада юртбошимизнинг “Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади — бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир” деган дастурий сўзлари журналга алоҳида руҳ бағишлаган.*

# ҚАТЪИЙ, ОҒИШМАЙ ВА ИЗЧИЛ...
# Firmly, steadily and gradually...
# Твердо, неуклонно и последовательно...

Мамлакатимиз демократия ва эркинликка ихлос қўйди. Мустақилликнинг илк қадамиданоқ демократик-ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятининг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори қўйила бошланди.

Бир вақтлар компартиянинг айтгани-айтган, дегани-деган эди. Энди турли хил ғоя ва фикрларга тоқат қилишни ўргандик. Ёшларнинг интилиши, дунёқараши ўзгача. Демократик тизим уларнинг фуқаролик масъулиятини оширади, маънавий, ақлий ва жисмоний жиҳатдан камол топишига имкон беради.

Бобомиз Амир Темурнинг “Куч — адолатда” шиорига ҳамоҳанг “Адолат — қонун устуворлигида” деяпмиз.

Не учунким, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мамлакатимизни ислоҳ қилишнинг муҳим шарти эканлигини англадик. Зеро, фақат ўз ҳуқуқини яхши билган кишигина оиласи, болалари, яқинлари ва она Ватанини ҳимоя қилишга қодир.

Демократия, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш — ажралмас тушунчалардир. Бу фуқароларнинг сайлов эркинлиги, имкониятлар тенглиги, сўз эркинлиги, шахсий хавфсизлиги демакдир. Ушбу тамойилларни бажариш нафақат давлат идораларининг, балки кенг жамоатчилик, барча фуқароларнинг вазифасидир. Шу ўринда эътиборингизни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг раиси Д. Жаҳонгированинг “Касаба уюшмалари фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида” сарлавҳали мақоласида илгари сурилган ғоялар, кўтарилган муаммоларга қаратмоқчимиз.

Ҳозирги кунда касаба уюшмалари мутлақо янги шароитда ишламоқдалар. Улар жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш, инсоний қадриятни рўёбга чиқаришга даъват этилган. Мақолада аҳолининг бандлигини таъминлаш, иш ҳақи соҳасидаги муаммолар рўйи-рост айтилган ва уларни ҳал этиш учун умидбахш фикрлар зоҳир этилган. Жумладан, шундай дейилади: “Ишсиз қолган кишиларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат бозорини янада эркинлаштириш, ишсизларни қўшни давлатларга ишга жойлаштиришга кўмаклашиш учун ўзимизнинг агентликларни ташкил этиш борасидаги ҳаракатларни фаоллаштиришимиз даркор”.

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Н. Акбаровнинг: “Ижтимоий ҳамкорлик — юксак самара мезони” сарлавҳали мақоласида шундай сатрларни ўқиймиз: “Мустақиллик даврида Ўзбекистон ҳаётида юз берган чуқур сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар таълим мазмунини ва кадрлар тайёрлаш тизими структурасини қайта кўриб чиқиш заруратига олиб келди. Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси ва раҳнамолиги остида 1997 йили Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди. Жаҳон ҳамжамиятида “Ислом Каримов модели” сифатида тан олинган ушбу дастур юқори даражадаги умумий касбий маданиятга, ижтимоий фаолликка, мустақил фикрлашга, турли вазифаларни ечиш қобилиятига эга бўлган жаҳон андозалари талабларига мос келадиган баркамол авлодни шакллантиришга йўналтирилган”.

Мақолада ўқитувчиларга ғамхўрлик нафаси уфуриб турибди. Муаллиф таълим муассасалари фаолиятини молиялаштириш пайтида кам таъминланган, ногирон ўқитувчилар ва ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясига, меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадларига бевосита маблағ ажратишни режалаштиришни таклиф қилади. Бу жуда тўғри. Чунки, педагогларнинг моддий турмуш шароитини яхшилаш, таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодировнинг “Инсоннинг яшаш ҳуқуқи ҳаммадан юқори” мақоласида ўлим жазоси маҳкумнинг оиласи ва яқинларига беҳад азоб-укубатлар келтиришини, асоссиз ҳукм чиқиб қолса, унинг ўрнини ҳеч нима билан тўлдириб бўлмаслигини қайд этади. Дарҳақиқат, жазонинг оғирлиги жиноятчиликка барҳам бермайди, фақат жазо муқаррарлиги тамойили адолатнинг устувор бўлишига олиб келиши тайин.

“Ижтимоий фикр” маркази директори, академик Р. Убайдуллаеванинг инглиз тилида берилган “Ўзбекистон — умумий уйимиз” номли мақоласида мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат вакили борлиги, улар Ўзбекистондан азизроқ юрт йўқлигини эътироф этишаётганлиги, ўтказилган ижтимоий тадқиқотлар буни тасдиқлашини, миллий ғоямизнинг устувор йўналишини ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси ташкил этиши қайд этилади.

Шунингдек, журналда Кореяда сайлов тизимининг ўзига хос хусусиятлари, ЕврАзЭС халқаро ташкилоти, Парламент назоратига доир мақолалар чоп этилган.

Хуллас, уни ўқиган журналхоннинг илмий фикрлаш қамрови кенгаяди, у демократия ва инсон ҳуқуқлари борасида теранроқ мушоҳада қилишни ўрганади.

**Довуд МАДИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

# Спорт плюс

Футбол

## 2006 ЙИЛ КИМГА АТАЛГАН?



Халқаро футбол ташкилоти ФИФА «Йилнинг энг яхши футболчиси»ни аниқлаш бўйича ўтказадиган сўровномада дунёдаги барча терма жамоаларнинг бош мураббийи ҳамда жамоа сардорлари иштирок этади.

Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Валерий Непомнящий сўровномада биринчи ўринга профессионал футболчилик фаолиятини якунлаган Франция ҳамда Мадриднинг «Реал» клуби собиқ ярим ҳимоячиси Зинедин Зидан номзодини кўрсатган. Кейинги иккинчи ўринга эса «Реал» жамоаси ҳимоячиси италиялик Фабио Каннаваро ва «Барселона»нинг камерунлик ҳужумчиси Самуэл Это'Они лойиқ кўрган.

Терма жамоа сардори Андрей Фёдоровнинг номзодлари ҳам бош мураббийникидан унча фарқ қилмайди. У ҳам Зидан ва Каннаваро номзодини энг юқорида кўрсатиб, учинчи ўринга Лондоннинг «Арсенал» клуби ҳамда Франция терма жамоаси ҳужумчиси Тьери Анрини муносиб деб топган. Бу ҳақда ЎФФ ахборот сайтида маълум қилинган.

Шоҳмот

## НАВБАТДАГИ РАҚИБ – КОМПЬЮТЕР!



Ўтган асрнинг 90-йилларидаёқ икки «фронт»га бўлиниб кетган халқаро шоҳмот Федерацияси ниҳоят, жаҳоннинг мутлоқ чемпионига эга бўлди.

13 октябр куни Россиянинг Элиста шаҳрида ниҳояланган Веселин Топалов (Болгария) ҳамда Владимир Крамник (Россия) ўртасидаги ўйинда рус гроссмейстерининг қўли баланд келганидан хабарингиз бор.

Баҳс давомида болгарлар томонидан ўтказилган жанжал ва тескари ташвиқотларга қарамай Веселин Топалов ўз мағлубиятини мардларча тан олиб, Владимир Крамникни ғалаба билан кутлади. Тўпалонлар ташкилотчиси болгар гроссмейстерининг менеджери Сильвио Данаилов ҳам шаштидан тушди. У ҳозирда хумордан тезроқ чиқиш учун реванш ўйинига елиб-югурмоқда. Болгар томони келаси йилнинг феврал-март ойларида София шаҳрида ўтказишни мўлжаллаётган реванш ўйинига Крамник унчалик қизиқиш билдирмаяпти. Бу ўринда жаҳон чемпионини ҳам тушуниш мумкин. Чунки Элистада шунча жанжаллар рўй берганлигини, агар Софияда ўйин ўтказилса, биринчи учрашув «ҳолва» бўлиб қолиши мумкинлигини жаҳон чемпиони ҳам, унинг менеджери Корстен Хензелем ҳам сезиб туришибди.

Шу боис бўлса керак, Крамник майингина қилиб жаҳон чемпиони унвони учун курашишни орзу қиладиган гроссмейстерлар дунёда кўплигини билдирган. Дарҳақиқат, ФИДЕ низомига кўра, рейтингда 2700 дан зиёд очко жамғарган ҳар қандай шоҳмотчи жаҳон чемпионлиги учун дона суриши мумкин. Ҳозир жаҳонда Топалов ва Крамникдан ташқари яна 18 нафар шоҳмотчи керакли очколарни жамғаришган. Гап фақат ташкилий масалаларда, яъни мукофот жамғармасида қолади. Дейлик, рейтингда юқори ўринда турган Вишванатан Ананд ҳамда Пётр Свидлерлар ҳам бу курашда ўз кучларини синаб кўришлари мумкин.

Шу ўринда Веселин Топаловнинг кучли шоҳмотчи эканлигига шубҳа қилмаган ҳолда, 17-жаҳон чемпиони ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ўша чемпионатда уни ярим финалда мағлубиятга учраганини эслатиб ўтмоқчимиз. Хўш, Қосимжонов ҳам ўшанда мутлоқ чемпионлик учун дона суриши мумкинмиди?

Албатта, агар ФИДЕ турли найрангларни ўйлаб топмаганда, ҳамюртимиз ҳам ўз кучини синаб кўриши мумкин бўларди.

Ҳатто, ғалабани қўлга киритиш имконияти кучли эди! Топаловни мот қилган Қосимжоновдан буни кутса бўларди.

Яна бир гап. Агар ФИДЕ келаси олти ой давомида Крамникнинг навбатдаги рақиби номини маълум қилмаса, яна шоҳмот олами бошбошдоқликка юз тутиши турган гап.

Крамникка келсак, у яқинда замонавий «Фритц» компьютер дастурига қарши дона суради. Шундан сўнг у дам олишни режалаштирган. Шунингдек, чемпионлик баҳси ўтказиш тартибини ишлаб чиқиб, ФИДЕга кўмак бермоқчи.

## ФИФА БОШҚАРУВНИ САҚЛАБ ҚОЛМОҚЧИ



ФИФА президенти Зепп Блаттер футболни мавжуд олтита конфедерация билан ҳамкорликда бошқариш ҳақидаги таклифни рад этганлигини билдирди.

Европа Иттифоқи раҳбарлари футболни ҳамжиҳатликда бошқариш тизимига ўтиш фикрини қўллаб-қувватлаб, футболчиларнинг агентларига қатъий чоралар кўриш кераклиги ҳақидаги ташаббуслар билан чиқишди.

Сўнгги вақтларда футболчилар учун белгиланадиган маошларнинг ўрнатилган чегараси ҳақида ҳам кўп гапирилмоқда.

Блаттер юқорида айтиб ўтилган баёнот билан чиқиш қилар экан, ўз нутқида футбол ишларига аралашишга уриниш каби ҳаракатлар сўнгги йилларда яққол кўзга ташланаётганлигидан норозилигини яшириб ўтирмади. У, шунингдек, бундай уринишлар Европада кўп эканлигини алоҳида таъкидлади.

Айтиш жоизки, ФИФА ва Европа Иттифоқи ўртасидаги бундай келишмовчилик анчадан бери давом этмоқда. Европа Иттифоқининг матбуот хизмати томонидан шу йилнинг май ойида тарқатилган маълумотларда молиявий можаролар, коррупция ва ирқчилик каби футболдаги салбий иллатлар қитъа футболининг нуфузига путур етказаётганлиги ҳақида ёзилган эди. Мазкур варақаларда, шунингдек, сиёсий етакчиларнинг ўйинларга «тўғридан-тўғри» бош суқаётганликлари ҳақида ҳам сўз юритилган.

## МАВСУМ ҲАЛИ ДАВОМ ЭТАДИ

Европа чемпионлар лигаси баҳсларининг навбатдаги турида Франция чемпиони «Лион» жамоасидан 3:0 ҳисобида мағлубиятга учраган Киевнинг «Динамо» жамоаси учун ҳали еврокубок турнирлари якунланмайди. Бу ҳақда терма жамоамиз ҳамда киевликлар ҳужумчиси Максим Шацких фикр билдирган. У ушбу ўйинда ҳеч бўлмаганда битта тўп киритиш имконига эга бўлганди. Бироқ омад ундан юз ўгирди.

— Назаримда «Динамо» охирги ўйинларда ҳимояда ва тўпни рақибдан олиб қўйиш борасида жуда бўш ўйин кўрсатяпти, — деди ҳужумчи. — Бу ҳам етмагандек, стандарт вазиятлар жамоамизнинг ҳақиқий кушандасига айланмоқда. Деярли ҳар бир стандарт вазиятлардан тўп ўтказиб юборяпмиз.



Мусобақа низомига кўра гуруҳ баҳсларида учинчи ўринни эгаллаган жамоа УЕФА кубоги баҳсларида қатнашиш имконига эга бўлади. Ҳужумчининг фикрича, «Динамо» энди учинчи ўрин учун курашади.

Шацких мухлисларини хурсанд қиладиган хабарлардан бири бу клуб расмий журнали муқовасида унинг катта суръати чоп этилганидир.

Теннис

## САФИН КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Испаниянинг Мадрид шаҳрида мукофот жамғармаси 2 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган «Мастерс» туркумига кирувчи теннис мусобақалари давом этмоқда.

Яккалик баҳсларида Россиянинг ягона вакили бўлиб қолган Марат Сафин иккинчи даврада Кипр вакили Маркос Багдотисни 6:4, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Унинг ватандошлари Николай Давиденко ва Дмитрий Турсуновлар ўйинларнинг биринчи даврасидаёқ мағлубият аламини татишганди.

Навбатдаги даврада Сафин белгиялик Кристоф Вилиген ва америкалик Жеймс Блейк ўртасидаги ўйин ғолибига қарши кортга чиқади.

Интернет хабарлари асосида А.ЮНУСОВ тайёрлади

Бокс

## РОССИЯДА ЖАНГ ЎТКАЗАДИ

*Афсонавий боксчи, ўта оғир вазнда собиқ жаҳон чемпиони Майк Тайсон ўзининг шоу-саёҳати давомида Россияда ҳам рингга чиқишини маълум қилган. АҚШнинг Янгстаун шаҳридан старт оладиган бу саёҳат давомида Майк АҚШ, Хитой, Хорватия, Россия ва Жанубий Америка рингларида жанг ўтказади.*

*Саёҳат олдидан журналистлар билан мулоқот ўтказган 40 ёшли боксчи дастлабки жангини собиқ рақиби Кори Сандерсга қарши ўтказишини билдирган. Шунингдек, у бу жангларда тўрт раунд рингга чиқишини ва бунинг учун мухлислари уни тўғри тушунишини сўраган ва ҳеч қачон профессионал рингга қайтмаслигини яна бир карра айтиб ўтган.*

*Эслатиб ўтамиз, боксчи сўнгги жангини 2005 йил ирландиялик Кевин Макбрайдга қарши ўтказиб, олтинчи раундда мағлубиятини тан олганди. Тайсон ўта оғир вазнда энг ёш жаҳон чемпиони бўлган боксчи. У бу муваффақиятга 1986 йил эришган.*

Учрашув

**Парда очилади, ёришар саҳна,**
**Турфа хил тақдирлар бўлар намоён.**
**Ҳайратла боқасан, бу не мўъжиза,**
**Кўз олдингда эврилар Вақт ва Макон.**

**Актёр-чи, яшайди ўзга ҳаётда,**
**Ўзгаларнинг дарди-ҳасрати билан.**
**Гўё бола-чақа, уй-рўзғори йўқ,**
**Яшайди, бошқалар қисмати билан.**

**Актёр ким? Дарвешми ёки сеҳргар,**
**Ё шундай ҳаётга маҳкум инсонми?**
**Ўзингиз айтингиз, билсангиз агар,**
**Биров бўлиб яшаш шундай осонми?..**



# «Биров бўлиб яшаш осонми?..»

## Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан СОЛИҲОВ ижодига чизгилар

*Ҳақиқатан ҳам, «биров бўлиб яшаш осонмас». Бировнинг дарди, ташвишлари, орзу-армонлари, кураш ва интилишлари, азоб ва изтироблари билан лоақал бир неча соат яшашни тасаввур қилиб кўринг-а?!*

*Не ажабки, актёр халқининг пешонасига шундай қисмат битилган. У бир умр яқин ва йироқ ўтмишда, ёхуд бугунги кунда, гоҳ шоҳ, гоҳ гадо бўлиб, гоҳ яхши, гоҳ ёмон одамлар қиёфасида яшашга маҳкум этилгандек туюлади кишига. Ким билсин, балки бу гўзал ва мураккаб касбнинг лаззати ҳам шундадир? Уларни кўрганда одамларнинг ҳавас ва ҳайрат билан боқишлари, юз-кўзларига беихтиёр табассум югуришининг боиси шундадир? Балки, шунинг учун ҳам ҳамиша уларга катта ҳурмат ва эҳтиром билан қарашар?*

*Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг пешқадам санъаткорларидан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан Солиҳов ана шундай бахтга мушарраф бўлган инсонлардан бири. Сиз уни ўнлаб спектаклларда, фильмлар ва телекўрсатувлар орқали кўп кўргансиз, танийсиз, биласиз. Биз бугун, ана шу халқ ардоғидаги санъаткор билан сизларни янада яқинроқ таништиришни лозим топдик.*



**— Равшан ака, сиз қандай таомни яхши кўрасиз?**

— Қизиқ бўлди-ку? Одатда журналистлар «Қачон туғилгансиз? Санъатга ҳавас қандай уйғонган? Қандай роллар ўйнагансиз?» қабилидаги саволлар беришарди... Майли, «аввал иқтисод...» деган иборадан келиб чиқа қолайлик. Мен чучварани яхши кўраман.

**— Нега энди, айнан чучварани?**

— Чунки, уни чайнамай ютиб юборса ҳам бўлаверади-да!

**— Кийим-кечакка муносабатингиз?**

— Майка-турсикда юрмасак бас!..

Кулишамиз.

*Равшан Солиҳов ана шунақа одам. Ана шунақа қувноқ, ҳозиржавоб, суҳбати жонон санъаткор. Бу актёрни ортиқча таърифлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Зеро, у театрда, Ўзбекистон телевидениесида, радиода, кинода яратган кўплаб роллари (ҳаммасини номма-ном санаб ўтиш шарт эмас) томошабинлар ўртасида аллақачон маълум ва машҳур бўлиб кетган. Уларнинг ҳаммасида Равшан Солиҳовга хос ўзбекона мутойиба, юмор, кулгили қилиқлар, хатти-ҳаракатлар ўз ифодасини топган. Аммо у киши бошқа айрим ҳамкасблари каби меъёрдан ошмайди, масхарабозликка айлантириб юбормайди.*

**— Сизни қизиқчи артист дейишади-а?** — яна сўрайман ундан.

— Қизиқчи циркда бўлади, — дейди Равшан ака жиддий оҳангда. — Мен мусиқали драма ва кино актёриман. Эсласангиз, «Бири кам дунё» спектаклидаги ролимни йиғлаб-йиғлаб ўйнардим.

**— Асли созанда бўлганингиз ростми?**

— Ҳа, фаолиятимни доирачиликдан бошлаганман. Чанг ҳам чалганман, рубоб ҳам. Кейин актёр бўлганман.

**— Умр бўйи бир жойда ишлаб келяпсиз-а?**

— Ҳа, салкам 40 йил бўлди. Бундан афсусланмайман. Мен бу ерда Лутфихоним ая Саримсоқова, Раззоқ Ҳамроев, Сойиб Хўжаев, Ҳамза Умаров сингари улуғ артистлар билан саҳнадош бўлганимдан фахрланаман. Бу театр шахсан мен учун ўзига хос «университет» вазифасини ўтаганини таъкидлаб ўтишни истардим.

**— Сиз маълум ва машҳур актёрсиз. Айтинг-чи, ўзингиз ўйнаган ҳамма ролларингиздан кўнглингиз тўладими?**

— Афсуски, йўқ. Маза қилиб ўйнаган ролларим кам бўлган. Бунинг сабаблари кўп. Ҳеч бир актёр «Ёшлигимда Гамлетни, қариганимда Қирол Лирни ўйнайман» деёлмайди. Лекин, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ҳажвиялари асосида суратга олинган «Телеминиатюралар театри» кўрсатувида бир ўзим 11 та ролни ижро этиб, 11 хил қиёфада экранга чиққанимни унутолмайман.

**— Кимларга ҳавас қиласиз?**

— Тўрт мучаси соғ одамларга.

**— Ҳозир «замонавий бойлар» кўпайиб кетди. Бойликка, мол-мулкка қандай қарайсиз?**

— Иккала кўзим билан қарайман. Лекин тўғрисини айтсам, ортиқча бойликка унча ҳушим йўқ. Чунки, тинчингиз бузилади. Кечаси билан соқчидек пойлаб чиқишга тўғри келади. Одам бу дунёдан ҳеч нима олиб кетмайди. Ҳаммаси қолиб кетадиган нарсалар.

**— Ўзингиз яхши кўрган ҳикматли сўз ёки шиор борми?**

— Шиор деб бўлмайди-ю, машҳур қўшиқда айтилганидек,

***Жаҳонга не учун келдинг — туғилдинг,***
***Қолар номинг учун имкон этиб кет,***

— деган сўзларни тез-тез эслаб тураман.

**— Нима учун кейинги вақтларда комедиялар камайиб кетди, деб ўйлайсиз?**

— «Комедия» тамғаси остида суратга олинган, олинаётган фильмлар суваракдек кўпайиб кетди. Аммо «Насриддин Бухорода», «Маҳаллада дув-дув гап», «Мафтунингман», «Ёр-ёр» сингари миллий комедиялар ҳар куни яратилавермайди. Аслини олганда-ку, ҳаётнинг ўзи виж-виж комедия. Фақат буни сценаристларимиз илғаб олишолмаяпти шекилли. Шунинг учун ҳам театрларимизда ҳам, кинода ҳам бачкана, ўткинчи филмлару, спектаклларнинг куни туғиб қолган.

**— Томоша пайтида саҳнада турли кутилмаган ҳолатлар, кулгили вазиятлар бўлиб қолиши сир эмас. Сизда ҳам шундай бўлганми?**

— Бир куни театрда «Ҳасан Кайфий» спектакли кетаётган эди. Саҳнада бедананинг овози ўрнига хўрозникини қўйиб юборишди. Залда чунонам кулги кўтарилдики! Лекин актёр бундай ҳолатларда ўзини йўқотиб қўймаслиги керак. Мен ҳам «Ана, қўрққанидан бedananг ҳам хўроз бўлиб қичқириб юборди» дедим ва ноқулай аҳволдан чиқиб кетдим. Саҳнада бунақа ҳодисалар бўлиб туради.

**— Баъзан актёрлар спектакл пайтида ўзидан гап-сўзлар қўшиб айтиб юборишади дейишади?**

— Бунақаси ҳам учраб туради. «Кампир кетармиш» деган спектаклда шунга ўхшаш воқеа юз берган. Кампирнинг «Қарашвораман, дадаси» деган сўзи бор эди. Шунда мен «Сен бу ишларга аралашма! Аёл киши устунга битта мих қоқса, «бутун иморатни мен қурдим дейди» деган гапни қўшворганман. Залда роса қий-чув бўлиб кетган.

**— Инсондаги қайси фазилатни қадрлайсиз?**

— Инсонлардаги камтарлик ва ҳокисорликни ҳар қанча улуғласа арзийди. Фақат бу фазилатни баъзида суистеъмол қилишади. Қанча камтар бўлсанг, шунча оёқости қилишга уринишади.

**— Оилангиз ҳақида ҳам икки оғиз сўз?**

— Оилам ҳақида нима дейишим мумкин? ...Аёлим тиббиёт ходими, катта ўғлим ва қизим Кимё-технология институтини тугатишган. Кенжа ўғлим Рустамжоннинг бевақт ўлими мен учун кутилмаган зарба бўлди. Ҳамон ўзимга келолмайман...

**— Ўзингиз ижро этган қайси ролларни эслаб қолгансиз?**

— Жуда кўп. Айтишларича, телевидениенинг ўзида юздан ортиқ образ яратган эканман. Қай бирини айтай? ...Кинода ҳам, театрда ҳам кўп. Ҳаммасини бир чеккадан санасак, нокамтарлик бўлади. Боя айтдим, «Ҳам куласиз, ҳам куясиз» телеспектаклида бир ўзим 11 та ролда чиққанман. «Буқаламун билан учрашув» телевизион бадиий фильмида Диёров, «Бозор кўрмаган йигит»да Асилхўжа, «Қабрдан хазина»да Далливой, «Девона»да Ориф, «Ҳасан Кайфий»да Ҳасан Кайфий, «Меш полвон»да мингбоши, «Тоғлик куёв»да Шокир, «Шайтанат»да Тожимуродов, «Отамдан қолган далалар»да комиссар Нормурод... Менимча, томошабиннинг меҳрини қозонган ва уларнинг ёдида қолган ролларимнинг ҳаммасини ўзим ҳам яхши кўраман.

**— Равшан ака, келинг энди, гурунгимиз ниҳоясида битта латифа эшитайлик!**

— Шу-у... латифа айтишдан кўра, эшитиш маза-да? Майли, бўлмаса эшитинг! Ота шумтака ўғлини қулоғидан бураб сўрабди: «Болтавой амакига яна тош отдингми, тирмизак?», «Энди бошқа отмайман», — минғирлабди бола. «Энди бунга ҳожат ҳам йўқ, — дебди ота ва чуқур хўрсиниб қўйибди. — Э, эсиз, Болтавой амаки!..».

Кулишамиз.

**— Жуфт бўлсин!** — дейман мен унга.

— «Жуфт бўлсин», деб тўйда ашулачиларга айтилади. Ҳа, майли, эшитинг. Сазангиз ўлмасин!

Бир ёзувчи балиқ овига чиқибди. Ҳамма нарса олгану, фақат чувалчанг эсидан чиққан экан. Шу денг, ерни кавлаб кетибди. Қани, битта чувалчанг чиқса! Кейин ниначини қувлабди, тутолмабди. Чигиртка тутаман дебди, бўлмабди. Кейин «Бор-е» дебди-да, ён дафтаридан бир варақ йиртиб олиб, унга «чувалчанг» деб ёзибди-да, қармоққа илиб сувга ташлабди. Бир маҳал қараса, қармоқ тортилаётганмиш. Шартта кўтарибди. Қараса, қармоқнинг учида бир варақ қоғоз илиниб турганмиш. Олиб ўқибди. Унга «Салом билан Сазанбой» деб ёзиб қўйилган экан...

Кулишдик ва кўтаринки кайфиятда хайрлашдик. Ана шу кайфият сизларга ҳам ҳамроҳ бўлсин, азиз газетхон!

**Суҳбатдош:**
**Эркин УСМОНОВ**

Ishonch
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Виктор Зверов (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шавкат Абдуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов
Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият: 153-52-78
Хатлар бўлими: 153-85-43
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.
Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru
Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.
Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик материаллар Ⓗ белгиси остида чоп этилади.
Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи муҳаррир - Ш.Норқулова
Навбатчи - Д.Аллақулова
Мусаҳҳиҳ - А.Ярбеков
Саҳифаловчи-дизайнер: Ю.Михайловский
Буюртма Г— 1115 Тиражи: 7627
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -
Сотувда эркин нархда 2 3 4 5 6 7 8